

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

**Магистратура бўлими**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УДК: 33.12(575.1):658.8**

**Аслонова Рушано Илхомовна**

**«Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўналишлари (Қашқадарё вилояти мисолида)»**

**Мутахассислик: 5A230102 - «Иқтисодиёт» (ижтимоий-иқтисодий соҳа)**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:**

**и.ф.н., доц. С.Н.Хамраева**

**«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2014 йил**

**Қарши – 2014**

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                                                                    |           |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш .....</b>                                                                                                                                                                 | <b>4</b>  |
| <b>I боб. Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг илмий ва назарий асослари.....</b>                                                        | <b>9</b>  |
| 1. Хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётда тўтган ўрни .....                                                                                               | 9         |
| 2. Аҳоли турмуш даражаси ва даромадлари шаклланиши ҳамда ривожланишининг назарий асослари.....                                                                                     | 16        |
| 3. Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасининг таъсири баҳолаш мезонлари .....                                                                                  | 27        |
| <b>I боб бўйича хулоса .....</b>                                                                                                                                                   | <b>38</b> |
| <b>II боб. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва кўрсаткичлар таҳлили .....</b> | <b>40</b> |
| 1. Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар соҳасини ривожлантириш тенденциялари.....                                                                                            | 40        |
| 2. Хизматлар кўрсатиш соҳаси самарадорлигининг омилли таҳлили.....                                                                                                                 | 48        |
| 3. Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси .....                                                                                                             | 57        |
| <b>II-боб бўйича хулоса .....</b>                                                                                                                                                  | <b>68</b> |
| <b>III боб. Қашқадарё вилоятида аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари.....</b>                                                   | <b>69</b> |
| 1. Қашқадарё вилояти аҳоли бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари.....                                                                               | 69        |

|                                                                                                                     |           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| 2. Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари..... | 76        |
| 3. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришнинг устувор йўналишлари.....                          | 81        |
| <b>III-боб бўйича хулоса.....</b>                                                                                   | <b>89</b> |
| <b>Хулоса.....</b>                                                                                                  | <b>90</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>                                                                       | <b>93</b> |

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги:** Мамлакатни модернизация қилиш шароитида мамлакат аҳолисига хизмат кўрсатиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш ва бандлик муаммосини ҳал этиш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Турли туман хизмат кўрсатиш соҳани ривожлантириш орқали, биринчидан, аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжлари қондирилса, иккинчидан, иш билан банд бўлмаган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этилса, учинчидан мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланиши ҳамда аҳоли даромадларининг кўпайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам танланган мавзу аҳолига қулай хизматлар кўрсатиш, иш билан таъминлаш ва мамлакат аҳолисининг турмуш даражасининг яхшиланиши бугунги куннинг энг муҳим илмий масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” номли маърузасида таъкидлаганидек, “...Ўтган йили аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013-йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига

480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди”.<sup>1</sup>

Ушбу муаммонинг ечими, аввало мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва республикани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда хизматлар кўрсатиш соҳасини тубдан техник - технологик ва инновацион янгиланишини талаб этади. Бу ўз навбатида мамлакатимизга жалб этилаётган инвестиция жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу эса янги инновацион манбаларни соҳага киритиш лозимлигини билдиради.

**Тадқиқот мақсади:** Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва объектив зарурлигини асослаб бериш;

- Аҳоли турмуш даражасини оширишнинг илмий-назарий асосларини асослаб бериш;

- Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасининг таъсирини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

- Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденцияси ва ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- Иқтисодиётни диверсификация қилиш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

- Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар илғор тажрибасидан фойдаланиш йўналишларини

---

<sup>1</sup> Каримов А.И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 январ.

умумлаштириш негизида илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш;

– Мамлакатни модернизация қилиш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш чоратadbирларини амалга оширишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишини таъминлаш, соҳада фойдаланилмаётган мавжуд имкониятларни ишга солиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришнинг устивор йўналишларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб, Қашқадарё вилоятида хизмат соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектлар ва вилоят аҳолисининг турмуш даражаси кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиёти шаклланишининг асосий тенденциялари, назарий-методологик тадқиқотига муносиб ҳисса қўшган хорижий ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан В.Баумоль<sup>2</sup>, Т.Д.Бурменко<sup>3</sup>, С.Э.Саркисов<sup>4</sup>, Е.Л.Шикова<sup>5</sup>, Р.А.Винокуров<sup>6</sup> каби олимлар қатор илмий изланишлар олиб боришган.

---

<sup>2</sup> Баумоль В. Состязательные рынки: мятеж в теории структуры отрасли // Вехи экономической мысли. Том 5. Теория отраслевых рынков. Под общ. ред. А.Г. Слуцкого. СПб: Экономическая школа. 2003

<sup>3</sup> Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) // Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. – С.37-38.

<sup>4</sup> Саркисов С.Э. Менеджмент: словарь справочник. – М.: АНК ИЛ, 2005. – С. 551

<sup>5</sup> Шикова Е.Л. Экономика и менеджмент не коммерческих организаций: учебник СПб: Лань, 2004. – С. 134

<sup>6</sup> Винокуров Р.А. Экономика труда. – СПб.: Питер, 2004. – С. 64-65.

Ўзбекистонлик олимлардан К.Х.Абдурахмонов<sup>7</sup>, А.Ўлмасов<sup>8</sup>, А.Вахобов<sup>9</sup>, М.Қ.Пардаев<sup>10</sup>, И.С.Тухлиев<sup>11</sup>, Ё.А.Абдуллаев<sup>12</sup>, Б.А.Абдукаримов<sup>13</sup>, Ғ.Ҳ.Қудратов<sup>14</sup> кабиларнинг илмий ишларида ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва самарадорлигини оширишнинг айрим жиҳатлари атрофлича ёритилган. Аммо бу ишларда аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўллари батафсил ўрганилмаган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот давомида таққослама анализ, SWOT-таҳлил, иқтисодий математик усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда эришилган илмий натижалар Қашқадарё вилоятида аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган. Диссертациядаги илмий ва амалий таклифлар аҳоли турмуш даражаси оширишда ва уларнинг фаровонлигини таъминлашда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилишда амалиётга жорий этилди. Тадқиқот ишида келтирилган илмий хулоса ва амалий таклифлардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ва ўрта махсус касб - ҳунар коллежларида мавзуга оид фанларни ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий, услубий ва амалий асосларини ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, унинг асосида ижтимоий-

---

<sup>7</sup> К. Х. Абдурахмонов “Меҳнат иқтисодиёти” дарслик Т:”Меҳнат” 2004. - Б.273-274

<sup>8</sup> Ўлмасов А., Вахобов А. В. Иқтисодиёт назарияси: дарслик. Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006. —480 б

<sup>9</sup> Вахобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар: иқтисод фанлари доктори диссертацияси. Тошкент 2000 й. - 166 б.

<sup>10</sup> Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Гаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Рисола. Самарқанд. “Зарафшон”, 2009. —66 б.

<sup>11</sup> Тухлиев И.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот-технологияларидан фойдаланиш йўналишлари. Журнал «Сервис» № 1. 2011. СамИСИ.

<sup>12</sup> Абдуллаев Ё.А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. -Т.: «Меҳнат», 2002. —215 б.

<sup>13</sup> Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. — Т.: «Иқтисод ва молия», 2008.- 341 б.

<sup>14</sup> Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривожини аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: «Fan va texnolоgiya», 2007. —28 б.

иқтисодий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни янгича ҳал қилиш бўйича хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат:

- хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти асослаб берилди
- аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасининг таъсирини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилди;
- Қашқадарё вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиш тенденциялари аниқланди ва таҳлил қилинди;
- Қашқадарё вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг SWOT – таҳлили ўтказилди;
- аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг таъсири математик моделлаштириш усули орқали асослаб берилди;

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 102 бетдан иборат бўлиб, 11 та жадвал, 14та расм, 6 та формулани ўз ичига олади.



**I-боб. Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг илмий ва назарий асослари**

**1. Хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётда тўтган ўрни**

Хизмат кўрсатиш тармоқлари мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми сифатида ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этадиган соҳадир. Хизмат соҳаси биринчи галда иқтисодий – ижтимоий фаолият бўлиб, бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мос келади. Бу соҳанинг иқтисодиётда тутган ўрни бекиёс бўлиб, уни ривожлантиришдан республикамиз қуйидаги манфаатларни кўради:

- таъкидланганидек, ЯИМ ишлаб чиқаришда иштирок этади;
- моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари сифатида шаклланади;
- мамлакатда янги хизматлар бозори пайдо бўлади;
- янги иш жойлари ва корхоналар бунёд этилади (йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш ҳисобига 2010 йилгача 250 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди);
- аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ошади;
- ҳудудий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектилари ислоҳ қилинади;
- мамлакат бозорини хизматлар билан тўлдириб боради ва унга бўлган талабни қондиришга имконият яратади;
- хусусий тадбиркорлар ва бошқа нодавлат ва давлат инвесторлари маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини очади;
- хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш эвазига мамлакат аҳолисининг фаровонлигини оширади;

– ўз ишловчиларини ойлик маъоши билан таъминлаб туради ва уларнинг оиласини тебратиш имкониятини яратади ва ҳ.к.

Ушбу манфаатлар эътиборга олиниб, хизмат соҳаси ислоҳ қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Ўтган йили аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда хал қилувчи ўрин эгаллади.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013-йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди”<sup>15</sup>

Бундай мураккаб иқтисодий муносабатларнинг содир бўлишини таъминлаш бевосита ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тақоза этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан кўп сонли хусусий корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олади. Бундай турдаги корхоналар бошқа корхоналар билан биргаликда аҳолига кўрсатилаётган моддий ва номоддий хизмат турларини ташкил этади. Моддий хизматларга, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат ва уй-жой коммунал хўжалиги киради. Хусусий корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар инсонни турли хил моддий эҳтиёжларини қондиришни

---

<sup>15</sup> Каримов А.И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 январ.

таъминлайди. Хусусий корхоналар иш фаолиятида асосий ўринни воситачилик эгаллайди, яъни товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб беришни таъминлайди.

Бугунги кунда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз ўрнини аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам топмоқда. Хусусан маданий–маиший ва оила хўжалиги ускуналарини ижарага бериш ва таъмирлаш ишлари хусусан, кийим кечакларни таъмирлаш, аҳолига юқори савияда транспорт хизматини кўрсатиш, (йўловчиларни ташиш), хонадонларга зарур хўжалик буюмларини (мебел, қурилиш материаллари, истеъмол товарларини) етказиб бериш учун керакли хизматлар кўрсатилмоқда.

Ҳозирги вақтда Республикамизда уй-жой қурилиши ва коммунал комплексида ислохотлар жараёни кечиши муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан айнан шу соҳаларда оилаларни маиший хизматга бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада хусусий корхоналар уй-жой эксплуатацияси, уларни сув, иссиқлик манбаи, электр энергияси билан таъминлаш бўйича ҳам ўз хизмат турларини таклиф қилишмоқда. Табиийки таъмирлаш-қурилиш ишлари билан шуғулланадиган хусусий корхоналар томонидан дача, дала ҳовли ва маданий–маиший иморатларни қуриш ва таъмирлаш амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, бу ишлар кўлламида ҳам аҳолининг уй-жой қурилиши ва коммунал хизмат турларига бўлган эҳтиёжлари у ёки бу даражада қондирилмоқда.

Шундай қилиб, хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолиятига қуйидагилар киради: умумий овқатланиш (турли хил тансиқ таомлар тайёрлаш), озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш; кийимлар, оёқ кийимлар, ички кийимларини тикиш ва таъмирлаш; мебеллар, хўжалик ва маданий маиший жиҳозлар, инвентарлар (асбоб-ускуналар), асбоблар, идишлар, енгил транспорт воситаларини таъмирлаш; уй-жой, дала ҳовли, гаражлар ҳар хил ҳовли ва хўжалик биноларини қуриш ва таъмирлаш;

деҳқончиликда картошка, сабзавот, мевалар ва бошқа маҳсулотларини етиштириш; маҳсулдор ҳайвон ва ўсимликларни сақлаш кабилар.

Хизмат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш ишсизликни бартараф этиши билан бирга, яна бир қанча афзалликлари мавжуд. Шу боис республикамизда аҳолининг бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларини ҳал этишда хизмат соҳасида тадбиркорликнинг турли хил аъанавий шакллари кенг ривожлантиришга янада устувор аҳамият берилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва мазкур фармонни амалга ошириш чораларига бағишланган 4-сонли қарори ва шу қарор юзасидан «Касаначилик тўғрисида Низом», қабул қилинди.

Президентимизнинг яна бир «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур»га биноан, мамлакатда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари қаторига мамлакатимизда аъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашга алоҳида эътибор берилган. Белгиланган бу тадбирлар, хизмат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Демак, энди хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривож топади. Унинг истиқболига тўхталишдан олдин шу хизмат кўрсатиш ва сервис сўзи мазмунининг изоҳига тўхталсак. Чунки, юқоридаги номи зикр этилган меъёрий ҳужжатларда «хизмат кўрсатиш» ва «сервис» тушунчалари кенг қўлланилган. Шу жиҳатдан ушбу тушунчалар мазмунига тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчалар маъносига

турлича қарашлар мавжуд. «Сервис инглизча servise сўзидан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» ни англатади.<sup>16</sup> Русча - ўзбекча луғатда<sup>17</sup> «сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)», деб кўрсатилган. Бошқа адабиётларда<sup>18</sup> ҳам худди шундай таърифланган. Кўриниб турибдики, сервис сўзи хизмат соҳаси билан ҳамоҳанг, бир-бирига ўхшаш синоним сўзлардир.

Ривожланаётган мамлакатларда бугунги кунда сайёрамиздаги барча аҳолининг тахминан 85 фоизи истиқомат қилади, бу мамлакатларнинг кўпчилигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70-90 фоизи хусуий тадбиркорликда машғул. Бу борада айрим иқтисодчи мутахассисларнинг фикрича, иқтисодиётнинг самарали амал қилиши учун аҳолининг ҳар 80 – 100 кишисига биттадан ташкилий бирлик тўғри келиши лозим.

Демак, хизмат соҳаси келажакда иқтисодиётнинг муҳим соҳасига айланади. Шу муносабат билан, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларда қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– Қашқадарё вилоятида анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашни рағбатлантириш;

– хизматлар соҳасида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни имтиёзли кредит билан таъминлашни йўлга қўйиш зарур.

Юқоридаги назарий таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (1.1-расм).

<sup>16</sup> Словар иностранных слов. -16- е из.,испр.-М.: Рус яз.. 1988 -461 с.

<sup>17</sup> Русча-ўзбекча луғат. 2-том. Т.: 1984. – Б. 410.

<sup>18</sup> Қудратов Ғ.Ҳ., ПардаевМ.Қ., Абдукаримов Б.А. “Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”.Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – Б.12



### 1.1 –расм. Иқтисодиёт тармоқларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти<sup>19</sup>


Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиёти омили ролининг ошиб бориши номоддий неъматларга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келди.

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни кенгайтиришда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Автомобиллар ва маиший техникага сервис ва таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил қилиниши ҳамда ривожланиши шу маҳсулотларга бўлган талабнинг кенгайишига олиб келади.

<sup>19</sup> Муаллиф ишланмаси

Истеъмол бозоридаги мутаносиблик – истеъмол бозорига таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар ҳажми билан аҳолининг тўловга қодир талабининг ўзаро мослиги.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб бормокда (1.2-расм).



**1.2 – расм. Республика ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши<sup>20</sup>, %**

Шахсий автомобиллар, маиший ускуналар сонининг ортиши уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматларнинг кескин ошишига олиб келди. Алоқа (айниқса, уяли алоқа) ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш ҳажми кескин ўсмоқда. Молия хизматлари, транспорт хизматларининг ўсишида барқарорлик кузатилмоқда. Аммо, аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида фойдаланилмаган

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

имкониятлар мавжудки, бу ҳол уларни ишга солиш, айниқса, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш заруриятини янада кучайтиради.

## **2. Аҳоли турмуш даражаси ва даромадлари шаклланиши ҳамда ривожланишининг назарий асослари**

Аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-қтисодий сиёсатда самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Уни ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир. «Турмуш даражаси» тушунчаси замонавий талқинда инсон фаолиятининг барча томонларига тааллуқли бўлган кенг қамровли тушунчадир.


Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади.

Аҳолининг фаровонлик даражасини ифодалаш учун "турмуш даражаси", "ҳалқ фаровонлиги", "турмуш фаолияти хавфсизлиги", "турмуш тарзи", "меҳнат фаолияти сифати", "турмуш сифати" каби турли хил тушунчалар қўлланилади. Баъзан турли атамалар бир мазмунни англатса, бошқа ҳолларда улар ўртасидаги фарқ муайян характер касб этади, мазмунни сезиларли даражада фарқ қилади. Шу билан бирга, мазкур тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистонда аҳолининг моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлари қондирилиш даражасини ифодалайдиган "турмуш даражаси" атамаси кенгроқ қўлланилади. Бундай тавсиф кўпроқ турмуш даражаси статистикасини характерлайди. Шу билан бирга турмуш даражаси – кўплаб омиллар йиғиндиси таъсирида бўлган ўзгарувчан жараёндир. Турмуш даражаси бир томондан, мунтазам ўзгариб турадиган, турли неъматларга бўлган эҳтиёжларнинг таркиби ва даражаси билан, бошқа томондан, эҳтиёжни қондириш имкониятлари, товарлар ва хизматлар бозоридаги ҳолат, аҳоли



даромадлари, меҳнаткашларнинг иш ҳақи билан белгиланади. Аммо иш ҳақи миқдори ҳам, турмуш даражаси ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самарадорлигининг кўлами, илмий-техник тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси ва таркиби, миллий хусусиятлар, сиёсий ҳокимиятга боғлиқ, (1.3-расмга қаранг).



**1.3-расм. Аҳоли эҳтиёжлари ва турмуш даражасига таъсир этувчи омиллар<sup>21</sup>**

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида "турмуш тарзи" тушунчаси кенг қўлланилган. Бунда ҳаёт фаолиятининг сифат кўрсаткичлари "турмуш тарзи", миқдор кўрсаткичлари эса "турмуш даражаси" билан ифодаланган. Шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини характерловчи бошқа атамалар ва тушунчалар мавжуд. Турмуш даражасининг энг муфассал талқини қуйидагича: турмуш даражаси – бу, жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирилганлик миқёси ва уларни

<sup>21</sup> Abdurahmonov Q.X. "Inson taraqqiyoti" (Darslik) T.: -"Fan va texnologiya", 2013, -302 b.

кониқтириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи комплекс ижтимоий-иқтисодий категориядир. Бундай талқин турмуш даражасининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини янада тўлиқроқ ифодалашга имкон яратади.

**Турмуш даражаси** моддий фаровонлик даражасини, яъни одамларнинг моддий эҳтиёжи қондирилганлигининг даражасини ифода этади. Унинг мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичини аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткич ифода қилади.

**Турмуш сифати** эса “номоддий” ёки пулда ифодаланмайдиган ҳамда фақат пул билан белгиланмайдиган хусусиятлар: одамларнинг саломатлиги ва умр кўриш давомийлиги, дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш, маданий ривожланиш, ўзлигини намоён қилиш, билимлар ва маънавий бойликнинг бошқа неъматларидан фойдаланиш имкониятларини қамраб олади.

Турмуш даражаси инсон (аҳоли) ҳаёт фаолиятининг маълум бир қирраси тўғрисида тасаввур берадиган кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Турмуш даражаси тўғрисида батафсил маълумот олиш учун аҳоли даромадлари ва эҳтиёжлари, истеъмол даражаси ва таркиби, уй-жой, мол-мулк, маданий-маиший буюмлар ва бошқалар билан таъминланганлик даражасини чуқур ўрганиш лозим.

Иқтисодиётда бир-бирига боғлиқ бўлган муносабатлар борки, уларни ҳал қилмасдан мамлакатнинг фаровонлигини ошириш мумкин эмас. Шулар қаторида:

- аҳоли даромадларининг пасайиши;
- ишсизликнинг пайдо бўлиши;
- инфляция ва ҳоказо.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда корхоналарнинг аксарият қисми давлат тасарруфидан чиқарилган. Лекин асосий даромад келтирувчи манбалар давлат кўлида. Мураккаб ва кўп харажатлар талаб қиладиган тадбирларни амалга ошириш учун давлат секторининг аҳамияти кучая боради. Солиқ тизимини тўғри йўлга қўйиш, даромади кўп бўлган корхоналардан юқори солиқ ундирилиб, кам ривожланаётган соҳаларни оёққа турғазини зарурати пайдо

бўлади.

Иқтисодий адабиётда аҳоли турмуш даражаси инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида талқин этилади. Жумладан, В.Н.Салин, Е.П.Шпаковская: “Аҳоли турмуш даражаси бу инсон ҳаёти фаолиятининг, энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади”<sup>22</sup>, деб кўрсатадилар.

Турмуш даражасини белгилашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти концепцияси, швед ва француз моделлари фарқланади (1.1-жадвал).

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари қаторида асосий озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг қондирилиши ва уларнинг истеъмоли, турар жойларнинг умумий майдони, уларнинг муҳандислик ва коммуникация тиизмлари, табиий газ, тоза ичимлик сув билан таъминланганлиги, хоналарнинг ўртача катталиги, оилаларнинг маданий-маиший ва ҳўжалик буюмлари билан таъминланганлиги, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми, таркиби ва сифати ҳам киради.

### 1.1-жадвал

#### Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари<sup>23</sup>

| БМТ концепцияси                                                                                                                                                               | Швед модели                                                                                                                                                                               | Француз модели                                                                                                                                         |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Сихат-саломатлик.<br>2. Озиқ-овқат истеъмоли.<br>3. Таълим.<br>4. Иш билан бандлик ва меҳнат шароитлари.<br>5. Уй-жой шароити.<br>6. Ижтимоий таъминот.<br>7. Кийим-кечак. | 1. Меҳнат ва меҳнат шароити.<br>2. Иқтисодий имкониятлар.<br>3. Сиёсий имкониятлар<br>4. Мактаб таълими.<br>5. Соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш.<br>6. Ижтимоий имкониятлар. | 1. Аҳоли сони ва таркиби, меҳнат ресурслари ва меҳнат шароити.<br>2. Даромадлар тақсимланиши ва улардан фойдаланиш.<br>3. Фаолият кўрсатиш шароитлари. |

<sup>22</sup> Солин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально-экономическая статистика: Учебник.-М: Юрист. 2001. –С.339.

<sup>23</sup> Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари// Иқтисод фанлари номзоди олиш учун дисс. автореферати. –Т. 2008 – 11 б.

|                                                 |                                                          |                                            |
|-------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|--------------------------------------------|
| 8. Дам олиш ва бўш вақт.<br>9. Инсон ҳуқуқлари. | 7. Уй-жой.<br>8. Истъемол.<br>9.Бўш вақт ва уни ўтказиш. | 4. Турмуш даражасининг ижтимоий жиҳатлари. |
|-------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|--------------------------------------------|

Аҳоли турмуш даражасининг маънавий эҳтиёжларни қондирилиши бўйича кўрсаткичлари аҳолининг саводхонлиги, нашр этилаётган адабиётлар, даврий нашрлар ҳажми, фуқароларнинг телевизор, ахборот воситалари ва компьютерлар билан таъминланганлиги, мактаб ёшигача (0-6 ёш) бўлган болаларнинг мактабгача тарбия таълим муассасалари билан қамраб олиниши, мактаб ёшидаги болаларнинг мактаблар билан таъминланганлиги, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари, уларда таҳсил олаётганлар сони ва қабул миқдорини акс эттиради.


Аҳоли турмуш даражасининг ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишини ҳисобга оладиган кўрсаткичларига эса ишлаб чиқаришда иш вақти йўқотилиши (бир ходимга ўрта ҳисобда), ходимлар меҳнат шароити ўзгариши, шикастланиш (бир иш куни ва бундан кўпроқ муддатга шикастланганлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, шикастланиши ўлим билан тугаганлар сони), спорт-соғломлаштириш, маданий-истироҳат масканлари, пенсиялар, нафақалар, ўртача ва энг иш ҳақи миқдорлари, ишсизлар сони, атроф-муҳит, жиноятчиликнинг аҳволи, аҳолининг пул даромадлари ҳамда харажатлари ва ҳоказолар киради.

Аҳолининг турмуш даражаси инсоннинг юқорида қайд қилинган асосий эҳтиёжларининг қондирилиши индикаторлар асосида аниқланади (1.4-расм).

Аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифати миқдор ва сифат кўрсаткичларига ажратилиши мумкин. Турмуш даражаси ва турмуш сифатининг интеграл кўрсаткичи сифатида турли даврларда қуйидагиларни қўллаш таклиф этилган эди:

– аҳоли жон бошига миллий даромад;

- уй хўжаликларидаги умумий харажатларда овқатланиш учун чиқимларнинг улуши;
- ўлимнинг нисбий коэффициенти (у 50 ёш ва ундан бўлган шахслар ўлимининг ўлимлар умумий сонига нисбати сифатида аниқланган);



**1.4.-расм.Аҳоли турмуш даражасининг индикаторлари<sup>24</sup>**

- аҳоли умр кўришнинг ўртача давомийлиги;
- бўш вақт кўрсаткичи.

Аҳолининг турмуш сифатини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг халқаро тизими 1978 йилда БМТ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, кўрсаткичларнинг қуйидаги 12 та асосий гуруҳларини камраб олган:

- аҳолининг демографик хусусиятлари (туғилиш, ўлим, касалланиш, умр кўриш давомийлиги ва ҳоказолар);

<sup>24</sup> Муаллиф ишланмаси

- турмушнинг санитария-гигиена шароитлари;
- озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиниши;
- турар-жой шароитлари ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари (автомобиль, телевизор, музлаткич ва ҳоказолар) билан таъминланганлик;

- таълим ва маданият;
- иш билан бандлик ва меҳнат шароитлари;
- аҳолининг даромадлари ва харажатлари;
- турмуш кечириш қиймати ва истеъмол нархлари;
- транспорт воситалари;
- дам олишни ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт;
- ижтимоий таъминот;
- инсон эркинлиги.

БМТ Статистика комиссияси томонидан юқорида қайд этилган гуруҳлардан ташқари турмуш сифатини баҳолаш учун зарур бўлган, лекин БМТ экспертлари фикрича, уларнинг асосий хусусиятларини акс эттирмайдиган, умумий бўлим ажратиб кўрсатилган. Бу бўлимга қуйидаги кўрсаткичлар киритилган:

- миллий даромад, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ва у ўсишининг ўртача йиллик коэффиценти;
- ижтимоий хизмат ҳажми ва турлари;
- аҳолининг шахсий истеъмоли учун харажатлари, уларнинг таркиби ва ўртача йиллик ўсиш коэффиценти, аҳолининг зичлиги;
- аҳолига транспорт хизмати кўрсатилиши;
- алоқа воситалари, матбуот ва ҳоказоларнинг амал этиши.

Аҳолининг тадбиркорлик ва хусусий меҳнат фаолияти соҳасида ишлашдан олаётган даромадлари ортаётганлиги тамойилига ижобий баҳо берган ҳолда, иш ҳақининг рағбатлантирувчилик роли пасайиб бораётганлиги тамойилини ҳам қайд қилиш керак. Бу эса, аҳолини солиққа тортилишдан

бекитиқча иккинчи ва учинчи даромад манбаларини кидириб топишга ундайди. Бундан ташқари, иш ҳақининг унумсиз даражаси ишлаб чиқарувчилар меҳнатини, ижодий меҳнатни рағбатлантирмайди ва унинг сифати тобора пастлашига олиб келади. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида ўртача иш ҳақи даражасининг пастлиги айниқса ташвишланарлидир, зеро бу ҳол таълими муассасаларида ўқитиш-ўргатишнинг ва давлат шифохоналарида даволаш сифатининг пастлигига сабаб бўлади.

Аҳоли даромадлари – бу, аҳоли ёки унинг оила аъзолари томонидан маълум давр ичида олинган ёки ишлаб чиқарилган пул ва натурал маблағлар йиғиндисидир. Инсон ҳаётида аҳолининг талаб-эҳтиёжлари даражаси ва таркиби даромадларнинг бевосита миқдорига боғлиқдир.

Аҳоли даромадлари асосан пул даромадлари ва натурал шаклдаги даромадлардан ташкил топади. Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари аҳоли пул даромадларининг салмоғи сезиларли даражада ошиб, унинг таркибий тузилиши ҳам такомиллашиб боради (1.5 - расм).



**1.5 -расм. Аҳоли пул даромадларининг таркибий тузилиши<sup>25</sup>**

Даромадлар даражасини таҳлил этиш, ўлчаш ва тахмин қилиш учун даромадларнинг ҳар хил турлари ва кўрсаткичларидан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам уларнинг энг кўп тарқалган турларини кўриб чиқишимиз зарур.

<sup>25</sup> Abdurahmonov Q.X. “Inson taraqqiyoti” (Darslik) T.: -“Fan va texnologiya” 2013, -315 b.

Даромадларнинг пул ва натурал шакллари. Аҳолининг пул даромадлари меҳнаткашлар учун иш ҳақи ҳисобидаги барча пул маблағлари тушуми; пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар; мулкдан фоиз, дивидендлар, рента кўринишидаги даромадлар; акциялар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, чорва ҳайвонлари, томарқа хўжалиги маҳсулотлари, турли буюмлар ва бошқа товарларни сотишдан тушадиган пул тушумлари, турли хизматлар кўрсатиш учун ҳақлар ва ҳоказолардан ташкил топади.

Аҳолининг натурал даромадлари - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча тушумлари: деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари, боғ-қўрғон, сабзавот-полиэ экинлари участкаси, шахсий томарқа, табиат инъомларидан шахсий, оилавий эҳтиёжлар учун тайёрланадиган маҳсулотлар каби тушумлардан иборат.

Пул ва натурал даромадларнинг нисбати тез-тез ўзгариб туради, аммо пул шакли кўпроқ тарқалган. Одатда, аҳолининг камбағал қатламларида натурал даромадлар ҳиссаси юқори бўлади. Иқтисодий вазият ёмонлашган даврда натурал даромадлар салмоғи ошиб кетади, жамоа хўжаликлари деҳқонларида натурал даромадлар ҳиссаси саноат ишчилари натурал даромадлари ҳиссасига нисбатан доимо юқори бўлади, буни бюджет тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Даромадларнинг бир қисми моддий фаровонликни таъминлашга, бошқа қисми хизматлардан фойдаланиш учун сарфланади. Эҳтиёжлар таркибига пул даромадларининг ошишигина эмас, балки аҳоли таркибининг ўзгариши, унинг илмий-маданий савияси ўсиши ҳам таъсир этади.

Даромадлар номинал, ихтиёрдаги ва реал даромадларга ажратилади. Номинал даромадлар солиқ, нархларни ҳисобга олмаган ҳолдаги пул даромадлари миқдорини тавсифлайди. Ихтиёрдаги даромадлар – бу, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобдан чиқарилгандан кейин қолган номинал даромадлардир. Демак, улар аҳолининг жамғариш ва эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланадиган маблағларини ўз ичига олади. Реал Ихтиёрдаги Даромадлар тарифлар, баҳолар индексини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади ва



номинал даромадларнинг реал харид қобилиятини кўрсатади. Реал ихтиёрдаги даромадлар қуйидагича ҳисобланади:

$$РИД = (НД-СТ) * J_{нхк} \quad (1.1)$$

Бунда  $НД$  – номинал даромадлар (сўм);

$СТ$  – солиқлар, мажбурий тўловлар (сўм);

$J_{нхк}$  – «пулнинг харид қобилияти индекси» (нархлар индексига тескари курсаткич).

Иш ҳақи, тадбиркорлик даромадлари, ижтимоий трансфертлар ва бошқалар пул даромадларининг асосий манбаларидир.

Кўп йиллар давомида иш ҳақи сифатида олинган даромадлар аҳоли даромадларининг асосий манбаси вазифасини ўтаган. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида даромадлар салмоғида иш ҳақининг улуши камайди ва 1999 йилда 28,0 фоизни ташкил этди.

Бозор иқтисодиётига ўтишда меҳнатга яраша ҳақ тўлаш тамойили бузилишининг объектив сабаблари мавжуд, жумладан, ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ва даромадлар янги манбаларининг пайдо бўлиши (тадбиркорлик фаолиятидан ва мулкдан олинadиган даромадлар). Бу қисқариш ижтимоий трансфертлар сифатида шаклландиган даромадлар манбаи бўлган ижтимоий фондларга маблағ ажратилишининг камайишига олиб келади.

Номинал (яъни белгиланган) ва реал иш ҳақларини ажратиш лозим. Номинал иш ҳақи – солиқ ва мажбурий тўловлар чегирилмаган иш ҳақи йиғиндисидир. Ихтиёрдаги иш ҳақи – бу, даромад солиғи ва пенсия фондига мажбурий ажратмалар ҳисобдан чиқариб ташлангандан кейин қолган иш ҳақи йиғиндисидир. Реал иш ҳақи – бу, солиқ, нархлар ва тарифларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги номинал иш ҳақи, яъни номинал иш ҳақи ҳисобига олиш мумкин бўлган реал моддий бойликлардир. Масалан, номинал иш ҳақининг 20 фоизга, нархларнинг эса 15 фоизга ўсиши (солиқлар ўзгармаган тақдирда) Реал иш ҳақининг 4,3 фоизга ўсишига олиб келиши мумкин ( $120:115*100=104,3$ ).

Реал иш ҳақи қуйидагича аниқланади:

$$РИХ=(НИХ-СА)*J_{пхк} \quad (1.2)$$

Бунда **НИХ** – номинал иш ҳақи (сўм);

**СА** – солиқлар, иш ҳақидан мажбурий ажратмалар (сўм).

Фойда – ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар учун кўшимча даромад манбаидир. Соф фойда ҳисобига инвестициялар, инновациялардан олинадиган даромадлар, дивидендлар, монополиялар даромадлари, баъзи ижтимоий тўловлар, имтиёзлар ва ҳоказолар амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг янги манбаи - тадбиркорликдан келадиган даромадлар ёки тадбиркорлик даромадлари пайдо бўлади. Бу даромадлар тадбиркор бажарадиган функция учун мукофотдир (ишни, капитални, табиий ресурсларни товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун йўналтириш; фирмани бошқариш, инновацияларни киритиш бўйича қарорлар қабул қилиш, таваккалчилик билан маблағ сарфлаш). Бу даромадлар тадбиркор томонидан кредит учун фоиз тўлангандан кейин қоладиган фойда ҳисобига шаклланади. Ўзгарувчан бу миқдор бошқаришнинг натижасига боғлиқ бўлади. Фойда қонуний ва ноқонуний, хўжаликнинг самарадорлигига боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган тарзда юзага келиши мумкин.

Аҳоли даромадларининг муҳим манбаси ижтимоий истеъмол фондлари бўлиб, истеъмолни жамоа шакли орқали тақсимлаш усулидир. Даромадларнинг бу манбасига, турли баҳоларга қараганда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий даромаднинг 1/5 қисмидан 1/3 қисми тўғри келади. Бунда ижтимоий истеъмол фондларидан тўланадиган тўловлар, хизматлар, имтиёзларнинг икки хил шаклини ажратиш мумкин: пулли ва пулсиз шакллар.

Пулли шаклдаги кўплаб маблағлар пенсия таъминоти (ёш, ногиронлик, стаж, боқувчисини йўқотганлик бўйича), болалар, ишсизлик нафақалари тўлаш ва ҳоказолар учун сарфланади ва ижтимоий трансфертлар дейилади.

Ижтимоий трансфертлар – фуқароларга (давлат бюджетидан ёки махсус фондлардан) - уларнинг иш натижаси, тадбиркорлик фаолияти ёки шахсий

мулкдан (пенсия, нафақа, стипендия ва ҳоказолар) олинадиган даромадларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тўланадиган тўловлардир.

Меҳнат мотивациясида иш ҳақи ва ижтимоий трансфертларнинг нисбати муҳим. Даромадлар таркибида иш ҳақининг улуши устун бўлса, фаол меҳнат, тадбиркорлик, ташаббус ривожланади, агар ижтимоий трансфертлар хиссаси ошиб кетса, кўпинча боқимандалик кайфияти кучаяди.

Шахсий (оилавий) даромадлар миқдори йиғиндиси пул даромадлари ва натурал даромадлардан ташкил топади. Натурал даромадлар шахсий томорқа ва уй хужалигидан олинадиган ҳамда аҳолининг таълим, тиббий хизмат ва ҳоказоларни таъминловчи пулсиз даромад турларидан вужудга келади.

Шахсий томорқа хўжалиги шахсий ва оилавий даромадларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Жамият ривожланишининг мураккаб ижтимоий-иқтисодий даврида шахсий томорқа хўжалиги аҳолининг баъзи гуруҳлари учун асосий даромад манбаи бўлиб қолади.

Статистик амалиётда, шунингдек, таълим олиш, тиббий хизмат қиймати ва уй-жой учун дотациялар ҳам, қўшилган умумий даромадлар миқдори ҳам ҳисоблаб чиқилади. Бу кўрсаткичлардан, одатда, халқаро текширувларда фойдаланилади.

### **3. Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасининг таъсири баҳолаш мезонлари**

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ХМТ концепцияларига мувофиқ, ҳар бир инсон ўзи ва оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминловчи турмуш даражасига (озик-овқат, кийим-бош, уй-жой, тиббий парвариш, ижтимоий хизматлар), шунингдек, ишсизлик, ногиронлик, бевалик ҳолатларида таъминот олиш ҳуқуқига эга. Мана шу ҳуқуқларнинг барчаси миллий концепциялар асосида амалга оширилади. Турмуш даражаси концепцияси тамойиллар ва кўрсаткичлар тизимига асосланувчи, аҳолининг турмуш даражасини

оширишга қаратилган ғояни ифодалайди. Турмуш даражасининг концепцияси кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш стратегияси ва йўналишлари, босқичларини белгилаб беради ва маълум тарихий характерга эга. Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга жавоб берадиган турмуш даражаси концепциясини яратишга зарурият туғилди. Мазкур концепцияни шакллантиришда сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган турмуш сифати концепциясининг айрим қоидаларидан фойдаланиш мумкин. Тарихий жиҳатдан турмуш сифати концепцияси инсон ҳаёти фаолиятининг иқтисодий параметрларини акс эттирувчи глобал иш билан бандлик, турмуш даражаси, меҳнат фаолияти сифати каби концепцияларнинг ривожланиши асосида юзага келган.

Турмуш сифати концепцияси инсон жамоаларининг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгиловчи шартларни шакллантиради. Бу ерда гап фақат турмуш сифати (овқатланиш, уй-жой, иш билан бандлик, таълим даражаси)ни баҳоловчи объектив омиллар ҳақида эмас, балки инсон томонидан ўзининг фаровонлиги, бахт, қониқиш, роҳат каби тушунчаларни субъектив ҳис этиш тўғрисида ҳам бормоқда. Масалан, соғлиқ даражаси, оилавий муносабатлар, иши, моддий аҳволи, яратувчанлик қобилияти ва ҳоказолардан қониқиш, ҳаётдан қониқиш ҳосил қилишнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Шундай қилиб, турмуш сифати концепцияси инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ҳам ўзаро ўз ичига олади. Бу муносабатлар эҳтиёжларнинг қондирилганлиги ва мавжуд имкониятларнинг кутилган имкониятларга мослиги даражасини характерлайди.

“Ҳақиқий даромадлар” кўрсаткичи пул даромадларидан ташқари натурал даромадларнинг қиймати, муассасаларнинг ижтимоий соҳа учун моддий харажатлари кўринишидаги даромадлар, аҳолининг қимматбаҳо қоғозлари, жамғармалари ҳисобга олинади. Аҳолининг ҳақиқий даромадлари индекси жон бошига тўғри келадиган даромадлар динамикасини, моддий

неъматлар, хизматлар, тарифлар баҳоларининг, солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ифодалайди.

Кейинги йилларда янги – “Ихтиёрдаги ҳақиқий даромад” (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чиқариб ташланиб, инфляция суръатларини ҳисобга олган ҳолдаги пул даромадлари) ишлатилмоқда. Бу икки кўрсаткичнинг фарқи ҳақиқий ихтиёрдаги даромад – микдор кўрсаткичи, жон бошига тўғри келадиган ўртача ҳақиқий даромад эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўртача микдори эканидан ташқари, уларни ҳисоблаш методикаси ҳам турлича. Аҳолининг турмуш даражасини ифодалаш учун жаҳондаги турли мамлакатларда турлича мезонлар қўлланилади. Улар орасида минимал истеъмол бюджети, камбағалчилик, мутлақ ва нисбий камбағалчилик кўрсаткичлари кенгфойдаланилади.

Минимал истеъмол бюджети – шахснинг ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжлар истеъмолининг ижтимоий асосланган минимал даражасини таъминлайдиган истеъмол товарлари ва хизматлари турларининг қиймати. Камбағаллик кўрсаткичи– аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган мезонлардан биридир.

Жаҳон амалиётида камбағаллик даражасини таърифлашда ёндашишда учта асосий концепция: мутлақ, нисбий ва субъектив камбағаллик концепциясидан фойдаланилади.

**Мутлақ камбағаллик концепцияси**- шахс ёки оқилона минимал ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган даромадни таърифлашга асосланади. Ўзбекистонда инсоннинг минимал эҳтиёжларини таърифлаш учун шундай тирикчилик минимуми белгиланганки, уни ҳисоблаб чиқишда калориялар, оқсиллар, ёғлар ва углеводлар зарурий истеъмолининг физиологик меъёрларидан фойдаланилади.

**Нисбий камбағаллик концепцияси** – асосий мезон сифатида инсоннинг минимал эҳтиёжларидан эмас, балки унинг фаровонлиги кўрсаткичларидан у ёки бу мамлакатда устунроқ келувчи моддий таъминланганлик даражаси билан бўладиган нисбатидан фойдаланади. Бундай

ёндашишда даромадлари мамлакат бўйича ўртача даромаднинг муайян улушидан ошмайдиганлар камбағал ҳисобланади.

Кейинги вақтларда чет элдаги тадқиқотларда нисбий камбағалликни таърифлашнинг бошқа услубиятидан ҳам кенг фойдаланилмоқда, у инсоннинг бошдан кечираётган, умуман қилинган турмуш тарзи олиб бориш имконини бермайдиган етишмовчиликлар рўйхатини ўз ичига олади.

**Камбағалликнинг субъектив концепцияси** – ижтимоий мақбул турмуш даражаси учун зарур бўлган ресурсларни субъектив таърифлашга асосланган.

Концепциялардаги фарқлардан ташқари, камбағаллик миқёсларини таърифлашга уй ҳўжаликлари тавсифини танлаш ҳам таъсир этади, у камбағалликни баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткич билан таққосланади. Амалиётда уй ҳўжаликларининг қуйидаги тавсифларидан фойдаланилади:

- уй ҳўжаликларининг пул даромадлари;
- уй ҳўжаликларининг пул сарф-харажатлари;
- уй ҳўжаликлари тасарруфидаги моддий ресурслар кўрсаткичлари.

Ўзбекистонда камбағалликни таърифлаш, камбағаллик даражасини баҳолашда ўрта ҳисобда бир ойдаги пул даромадлари кўрсаткичидан фойдаланиладиган тарзда камбағаллик чегарасини тирикчилик минимуми даражасида белгиладиган мутлақ концепциясига асосланади. Тирикчилик минимуми – инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган моддий неъматлар ва хизматлар истеъмолининг минимал даражаси кўрсаткичидир. Тирикчилик минимуми ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига тўғри келадиган қиймат тарзида ва умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича, унинг таркибига кирувчи субъектлардаги асосий ижтимоий-демографик гуруҳлар бўйича, шу жумладан, алоҳида шаҳарлар ва маъмурий-ҳудудий бирлашмалар бўйича белгиланиши мумкин.

Тирикчилик минимумининг қийматини белгилаш негизини илмий асосда ишлаб чиқилган озиқ-овқат маҳсулотлари табиий турлари ўлчамлари

ташкил этади, улар айрим ижтимоий-иқтисодий гуруҳлари учун минимал истеъмол меъёрлари бўйича табақалаштириб берилган ҳамда истеъмол қилинадиган моддаларнинг калориялилиги ва кимёвий таркиби бўйича мувозанатлаштирилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли меъёрларини асослашда турли табиий илмий шароитларни ҳисобга олиш мақсадида республика ҳудуди амалдаги услубий тавсияларга мувофиқ бир неча зонага ажратилган.

Зонал таксимотида мувофиқ йилига ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари турлари маълум миқдорлар доирасида белгилаб чиқилган. Ҳудудий зоналар бўйича озиқ-овқатлар турларининг қувват бера олиши суткасига 2204 ккал.дан 2607 ккал.гачани ташкил этади.

Тирикчилик минимуми бюджетида истеъмол меъёрлари фақат озиқ-овқат маҳсулотларига белгиланган товарлар ва барча турдаги хизматлар қиймати 31,7 фоиз миқдорида белгиланган. Ҳозирги вақтда қонунчиликдаги тирикчилик минимумига доир талабларга мувофиқ, умуман, Ўзбекистон Республикасининг таркибига кирувчи субъектлардаги аҳоли асосий ижтимоий-демографик гуруҳлари учун истеъмол саватини белгилаш бўйича янги услубий тавсиялар лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Қонунчилик талабларига мувофиқ услубий тавсияларга қуйидагилар кириши керак:

- 1) Умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича ва Ўзбекистон Республикасининг таркибига кирувчи субъектлардаги асосий ижтимоий-демографик гуруҳлар учун, инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлар минимал турларини шакллантириш принциплари ва тартиби;

- 2) Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи субъектлар томонидан истеъмол саватини белгилашда иссиқ ёки совуқ табиий-иқлим шароитларини, аҳолининг асосий ижтимоий-демографик гуруҳлари ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлар истеъмол қилишидаги миллий анъаналар ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олишга асосий ёндашувлар;

3) Ўзбекистон Республикаси бўйича ва унинг таркибига кирувчи субъектлардаги асосий ижтимоий-демографик гуруҳлар учун, инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматларнинг намунавий минимал турлари.

Белгиланган услубий тавсиялар асосида амалга ошириладиган истеъмол савати қонунчиликка мувофиқ камида беш йилда бир марта белгиланади. Тирикчилик минимумини ҳисоблаб чиқишга оид янги услубий тавсиялар лойиҳасида баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича амалдаги тавсияларга нисбатан юқорироқ истеъмол меъёрлари белгиланган. Бундан ташқари, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлар бўйича истеъмол меъёрлари ҳам белгиланган.

Турмуш даражасини ифодалаш учун мутлақ ва нисбий қашшоқлик кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Мутлақ қашшоқлик– даромадларнинг умуман йўқлиги ёки шахснинг (оиланинг) минимал турмуш эҳтиёжларини қондириш учун зарур даромаднинг йўқлигидир. Мутлақ қашшоқлик кўпроқ дайдилар, бошпанасизлар ва шу қабилар орасида учрайди.

Нисбий қашшоқликни – Ўзбекистон шароитида яшаш минимуми бюджетидан кам бўлган даромадлар миқдори билан аниқланади. Жаҳон амалиётида эса бу кўрсаткич мамлакат бўйича ўртача даромадларнинг 40-60 фоизидан кам бўлган даромадларга нисбатан қўлланилади.

Жаҳон амалиётида интеграл кўрсаткич сифатида инсоннинг ривожланиш индекси (ИРИ) қўлланилади. “БМТ тараққиёт дастурлари” (БМТТД) муаллифлари жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, кутилаётган умр кўриш даври ва аҳолининг маълумот даражаси каби катталикларнинг ўртачасини ҳисоблаб турмуш даражасининг умумлаштирувчи индикаторини ишлаб чиқдилар.

ИРИ интеграл кўрсаткич бўлиб, у:

- 1) Кутилаётган умр узоклигини;



2) Аҳолининг саводлилиги фоизи ҳамда 25 ва ундан юқори ёшдагиларнинг ўлганлик йиллари ўртача миқдори бўйича аниқланадиган аҳолининг маълумот даражасини;

3) Муайян йилда биржадаги курс эмас, балки тегишли мамлакатлар валюталарининг харид қобилияти бўйича АҚШ долларида ҳисоблаб чиқиладиган аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни ўз ичига олади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 117-сонли “Иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва меъёрлари тўғрисида”ги Конвенциясига мувофиқ мақбул турмуш даражасини сақлаб бориш мақсадида давлатларни озиқ-овқатлар билан таъминлаш, соғлиғини сақлаш, саломатлик, уй-жой қуриш, меҳнат шароитлари, ёлланма ходимлар ва мустақил ишлаб чиқарувчиларни тақдирлаш, ижтимоий таъминот каби соҳаларда тараққиётга кўмаклашиш учун иложи борица чора-тадбирлар кўришлари лозим.

Аҳолининг қуйидаги тўртта турмуш даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тўқ турмуш даражаси – инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-қувватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминлайдиган неъматлардан фойдаланиш;
- нормал даража – инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-қувватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминлайдиган илмий асосланган меъёрлар бўйича оқилона истеъмол қилиш;
- камбағаллик – меҳнат учун ресурсларни қайта яратишнинг қуйи чегараси сифатидаги иш қобилиятини сақлаш даражасида неъматларни истеъмол қилиш;
- қашшоқлик – истеъмол қилиниши инсоннинг яшаш қобилиятини сақлаш имкониятигига берадиган неъматлар ва хизматларнинг биологик мезонлар бўйича йўл қўйиладиган минимал турларини истеъмол қилиш.

Истеъмол бюджетлари турмуш даражаси индекси ва динамикасини меъёрий-таҳлилий баҳолаш, башоратлаш ва тартибга солиш ҳамда даромадлар

соҳасида асосланган сиёсат ишлаб чиқишнинг муҳим воситасидир. Турмуш даражаси индексини ҳисоблаш учун турмуш даражасининг қуйидаги компонентлари жон бошига тўғри келадиган индекси аниқланади: овқатланиш (тўйимлилиги ва оқсилларга бойлиги бўйича), уй мулклари жамғармаси (солиштирма нархларда), уй-жой (қулайликларни қўшгандаги майдони), саломатлиги ва соғлиғини сақлаш (умр кўриш даври динамикаси, саломатлик ва соғлиқни сақлаш учун харажатлар бўйича), таълим ва маданият (маълумот олиш ўринлари, таълим ва маданият учун ажратиладиган харажатлар бўйича), аҳолига хизмат кўрсатиш (солиштирма нархларда) ва хоказо. Сўнг оила бюджетлари статистикаси бўйича эҳтиёжларнинг эластиклик коэффиценти аниқланади. Эластикликка тескари катталиқ турмуш даражасининг берилган компоненти бўйича эҳтиёжлар нисбий қатъийлигининг ўлчови сифатида қабул қилинади. Шундан кейин ҳар бир компонент учун эҳтиёжлар умумий салмоғида берилган эҳтиёжнинг улушини кўрсатувчи коэффиценти топилади.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ўсиб бормоқда, аммо унинг айрим кўрсаткичлари ривожланган давлатлар билан таққослаганда ҳали нисбатан паст.

Инсон ривожланиши индексини ҳисоблаш:

Инсон ривожланиши индекси бошқа уч индекснинг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисоб-китоб қилинади: инсон туғилганида кутиладиган умр давомийлиги, таълим даражаси ва аҳоли жон бошига тушадиган даромад. Таълим индекси саводхонлик (учдан икки ўлчамда) ва таълимдан баҳраманд бўлиш имкониятлари (учдан бир ўлчамда) индексидан ҳисоблаб чиқарилади. Индексларни ҳисоблаш негизида баҳраманд бўлиш имкониятларининг аҳамияти қуйидаги меъёрларда ўз ифодасини топадиган тўрт хил кўрсаткич мавжуд:

Баҳраманд бўлиш имкониятлари<sup>26</sup>

| Кўрасткихлар                                                           | Минимум | Максимум |
|------------------------------------------------------------------------|---------|----------|
| Туғилганда кутиладиган ўртача умр кўриш давомийлиги, йил               | 25      | 85       |
| Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси, фоиз                      | 0       | 100      |
| 5-24 ёшдаги ўғил ва қиз болалар орасидаги ўқувчиларнинг умумий улуши   | 0       | 100      |
| Аҳоли жон бошига тушадиган амалдаги ЯИМ, АҚШ доллари (харид имконияти) | 100     | 40000    |

Индекслар (даромад индексидан ташқари) ушбу кўрсаткичлар асосида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$I = (X_{\text{амалий аҳамият}} - X_{\min}) / (X_{\max} - X_{\min}) \quad (3.1)$$

Бунда :  $X_{\text{амалий аҳамият}}$ – кўрсаткичнинг амалдаги аҳамияти,  $X_{\min}$ – кўрсаткичнинг минимал аҳамияти,  $X_{\max}$ – кўрсаткичнинг максимал аҳамияти.

Даромад индексини ҳисоблаш учун сон ва махражда ЯИМнинг жон бошига тушадиган ҳажмининг ўндан бир логарифмидан иборат формуладан фойдаланилади:

$$I = (\log_{10} (X_{\text{амалий аҳамият}}) - \log_{10} (X_{\min})) / (\log_{10} (X_{\max}) - \log_{10} (X_{\min})) = (\lg(X_{\text{амалий аҳамият}}) - \lg(X_{\min})) / \lg(X_{\max}) - \lg(X_{\min}) \quad (1.3)$$

Шундай қилиб ИРИ миқдори мамлакатларни инсон ривожланишининг даражасига қараб турли гуруҳларга бўлишда мезон сифатида хизмат қилади. Иқтисодий ривожланиш даражасидан (у саноати ривожланган мамлакатми ёки ривожланаётган давлат) қатъи назар, **ИРИ>0,8** бўлган инсон ривожланиши юксак даржадаги мамлакатлар; **0,5< ИРИ<0,8** бўлган инсон ривожланиши

<sup>26</sup> БМТнинг тараққиёт дастури, Тошкент 2006 й., - Б.15-18

ўртача даражадаги мамлакатлар; **ИРИ<0,5** бўлган инсон ривожланиши паст даражадаги мамлакатлар тоифасига киради.

**ИРИнинг максимал аҳамияти – 1, минимал эса 0 бўлиши мумкин.**

### **1. Кутилаётган умр кўриш давомийлиги индексини ҳисоблаш:**

Кутилаётган умр кўриш давомийлиги индекси мамлакатнинг инсон туғилганида кутиладиган умр кўриш давомийлиги борасида эришган ютуқлари меъеридир. Ўзбекистонда 2012 йили кутилган умр кўриш давомийлиги 75 йилга тенг бўлди деб оламиз. Глобал статистика бўйича дунё мамлакатларида энг узун ва энг қисқа умр кўриш даражаси 85 ва 25 йилларни ташкил этди.

**Умр кўриш давомийлиги индекси =  $(75-25) / (85-25)=0,83$ .**

### **2. Таълим индексини ҳисоблаш:**

Таълим индекси мамлакатнинг катта ёшдаги аҳолиси саводхонлиги даражасини бўлгани каби, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида ўқийдиганларнинг умумий сонига ҳам боғлиқ. Аввал, катта ёшдагиларнинг саводхонлик даражаси индекси ва таълим даргоҳларида ўқийдиганларнинг умумий сони индекси ҳисоблаб чиқилади. Кейин таълим индексини топиш учун ушбу икки индекс бирлаштирилади. Бунда ҳосиланинг учдан икки қисми катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражасига, учдан бири эса таълим даргоҳларида ўқийдиганларнинг умумий сонига тегишли бўлади. 2013 йили Ўзбекистонда катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси 99,3 фоизни, таълим даргоҳларида ўқийдиганларнинг умумий кўрсаткичи эса 2012/2013 ўқув йилида 76 фоизни ташкил қилган, деб оламиз. Инсон салоҳияти ривожланиши индекси услубига биноан катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражасининг энг юқори ва энг паст кўрсаткичини тегишли тартибда 100 ва 0 деб оламиз. Ўқув даргоҳларида таълим олаётганларнинг умумий сонини ҳам аynи тартибда ҳисоблаймиз.

**Катта ёшдагиларнинг саводхонлик индекси =  $(99,3-0) / (100-0) = 0,993$**

**Барча таълим олаётганлар индекси =  $(76-0) / (100-0)=0,760$**

**Таълим индекси = 2/3 катта ёшдагиларнинг саводхонлик индекси + 1/3 барча таълим олаётганлар индекси = 0,91.**

### **3. Ялпи ички маҳсулот индексини ҳисоблаш:**

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) индексини ҳисоблаш учун ЯИМни аҳоли жон бошига тақсимлашдан келиб чиқадиган (АҚШ долларидаги харид имконияти) кўрсаткичидан фойдаланилади. Инсон салоҳияти ривожланиши индексида даромад инсон ривожланишига оид барча - фақат узоқ ва соғлом умр кўриш, таълимда ўз ифодасини топмаган жиҳатларнинг ўрнини босувчи кўрсаткич сифатида фойдаланилади. Даромад ўзгартирилади. Негаки, инсоннинг ҳавас қилса арзийдиган даражадаги ривожланишга эришиши даромадни чеклашни талаб қилмайди. Шу боис даромад логарифмидан фойдаланилади. Ўзбекистонда 2013 йили ЯИМни жон бошига ҳисоблаганда ўртача (АҚШ долларидаги харид имконияти) 2600 долларга тенг бўлди оламиз. Аҳоли жон бошига тенг келган ялпи ички маҳсулотнинг энг кўп ва энг кам миқдори (харид имконияти), инсон салоҳияти ривожланиши индекси усули билан ҳисоблаганда, тегишли равишда 40 000 ва 100 АҚШ долларини таъкил қилди.

$$\text{ЯИМ индекси} = [\lg 2600] - \lg (100) / [\lg (40\,000) - (\lg 100)] = 0,54$$

### **4. Инсон ривожланиши индексини ҳисоблаш:**

Қайд этилган индекслар ҳисоб-китобидан сўнг инсон ривожланиши индексини ҳисоблашга киришиш мумкин. Бу юқорида санаб ўтилган уч индекснинг ўртача миқдоридир.

$$\text{ИРИ} = 1/3 [\text{Кутилаётган умр кўриш давомийлиги индекси} + \text{Таълим индекси} + \text{ЯИМ индекси}] = 0,76$$

Демак,  $0,5 < \text{ИРИ} < 0,8$  шарт бўйича инсон ривожланиши ўртача даражадаги мамлакатлар қаторига кирар экан.

Таъкидлаш жоизки, барча кўрсаткичлар ва уларнинг классификациялари ўртасида мустаҳкам алоқа мавжуд. Турмуш даражасининг ўзгариши турли хил омиллар таъсирида бўлади ва уларни оқилона бошқариш аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб бориш имконини беради.

Кейинги йилларда янги тушунча – “ихтиёрдаги ҳақиқий даромад” (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чиқариб ташланиб, инфляция суръатларини ҳисобга олган ҳолдаги пул даромадлари) тушунчаси ишлатилмоқда. Аҳоли турмуш даражасини ифодалаш учун жаҳондаги турли мамлакатларда турлича мезонлар қўлланилади. Улар орасида минимал истеъмол бюджети, камбағаллик, мутлақ ва нисбий камбағаллик кўрсаткичларидан ишлатилмоқда. Минимал истеъмол бюджети – шахснинг ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжлар истеъмолининг ижтимоий асосланган минимал даражасини таъминлайдиган истеъмол товарлари ва хизматлари турларини қийматидир.

### **I боб бўйича хулоса**

Ушбу бобга боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ қилиш натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Хизмат соҳаси биринчи галда иқтисодий – ижтимоий фаолият бўлиб, бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мос келади.
2. Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди.
3. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари каторида асосий озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг кондирилиши ва уларнинг истеъмоли, турар жойларнинг умумий майдони, уларнинг муҳандислик ва коммуникация тиизмлари, табиий газ, тоза ичимлик сув билан таъминланганлиги,

хоналарнинг ўртача катталиги, оилаларнинг маданий-маиший ва хўжалик буюмлари билан таъминланганлиги, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми, таркиби ва сифати ҳам киради.

4. Аҳоли даромадлари – бу, аҳоли ёки унинг оила аъзолари томонидан маълум давр ичида олинган ёки ишлаб чиқарилган пул ва натурал маблағлар йиғиндисидир. Инсон ҳаётида аҳолининг талаб-эҳтиёжлари даражаси ва таркиби даромадларнинг бевосита миқдorigа боғлиқдир.

**II боб. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида аҳоли турмуш  
даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини  
ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва кўрсаткичлар таҳлили**

**1. Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар соҳасини  
ривожлантириш тенденциялари**

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳоли турмуш даражасини ошириш муаммолари ўзгаришлар жараёни ва моҳиятига мос ҳолда янгича тус олмоқда. Ушбу муаммолар, айниқса, Ўзбекистон учун долзарбдир, чунки инсон манфаатларини таъминлаш масаласи барча йўналишдаги ислохотларнинг бош мақсади сифатида қўйилган. Аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш мамлакат ривожланиши стратегиясининг асосий устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Аҳоли турмуш даражасини оширишга оид муаммоларни ечишда инсоният тараққиёти ҳозирги босқичнинг учта муҳим хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Биринчидан, глобаллашув жараёнларининг жадаллашиб бораётганлиги. Миллий иқтисодиёт интеграциясининг тобора кўчайиши, жаҳон миқёсида товарлар, хизматлар ҳамда меҳнат бозорларининг ташкил топиши ҳар бир мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ва сифатини шакллантиришда катта таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги. Бунинг натижасида иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда миллий ва ҳалқаро экологик хавфсизликни таъминлаш, ҳозирги ва келажак авлодларни манфаатлар тенглигини таъминлайдиган барқарор ривожланиш концепциясига риоя қилиш зарурати кучаймоқда.

Учинчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделининг шаклланиб бораётганлиги, тақсимотда социал адолат тамойилларининг



кўчайиб бораётганлиги, айнан оқилонга ижтимоий сиёсат иқтисодий ривожланишнинг бош омилга айланаётганлиги. Бу давлатнинг аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва ижтимоий заиф гуруҳларини (ёшлар, аёллар, ногиронлар) қўллаб-қувватлаш ва бозор стихиясидан ижтимоий ҳимоялашни тақозо этади. Ўз навбатида аҳоли кенг қатламлари турмуш даражасининг ошиши унинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятини кучайтиради, ишлаб чиқаришда инсон омилининг роли ва аҳамияти тобора кучайиб боради, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш жараёнларига қатнашиш фаоллигини оширади.

Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта рол ўйнамоқда. Ҳукуматимиз томонидан 2013-2016-йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқлади. 2013-йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Қашқадарё вилоятида ҳам хизматлар соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, турли хилдаги янги хизмат турлари ривожлантирилиб келинмоқда, (2.1 - жадвал)

## 2.1 – жадвал

### Қашқадарё вилоятида хизматлар ва сервиснинг соҳалар бўйича тақсимланиши<sup>27</sup>

| Курсаткичлар                       | 2010<br>йил  | 2011<br>йил  | 2012<br>йил  | 2013<br>йил  |
|------------------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
| <b>Жами хизматлар</b>              | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> |
| шу жумладан асосий турлари бўйича: |              |              |              |              |
| Савдо ва оватланиш хизматлари      | 20,7         | 22,5         | 23,8         | 24,8         |
| Транспорт хизматлари               | 14,7         | 14,7         | 14,6         | 14,6         |

<sup>27</sup> Манба: Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

|                                                                                                  |      |      |      |      |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------|------|------|------|------|
| Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот-ресурс марказлари хизматларини уз ичига олган ҳолда | 4,6  | 7,0  | 6,8  | 6,1  |
| Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни уз ичига олган ҳолда                                  | 6,5  | 6,3  | 6,4  | 6,2  |
| Меҳмонхона хизматлари                                                                            | 0,1  | 0,1  | 0,1  | 0,1  |
| Маиший хизматлар                                                                                 | 3,4  | 1,9  | 2,3  | 4,7  |
| Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш                                              | 0,3  | 0,4  | 0,2  | 0,4  |
| Бошқа хизматлар, кишлоқ хужалиги ва қурилиш хизматларини уз ичига олган ҳолда                    | 49,7 | 47,1 | 45,8 | 43,0 |

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо ва умумий овқатланиш (24,8 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (14,6 фоизи), қурилиш (8,2 фоизи), молиявий (6,2 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,1 фоизи), маиший (4,7 фоизи), таълим (2,1 фоизи) ва бошқа (30,5 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Компьютерли программалаштириш хизматлари (142,9 фоиз), Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет” тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда (126,3 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (122,6 фоиз), маиший хизматлар (126,1 фоиз), транспорт хизматлари, логистик хизматларни ўз ичига олган ҳолда (120,3 фоиз), хизматларда ўсиш юқори бўлди.

2013-йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000-йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб борапти, деб айтишга асос беради<sup>28</sup>.

<sup>28</sup> Каримов А.И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 январ.

## 2.2 - жадвал

### Қашқадарё вилоятида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш динамикаси таҳлили<sup>29</sup>

| Кўрсаткичлар                                         | 2010 йил                |                              | 2011 йил                |                              | 2012 йил                |                              | 2013 йил                |                              | 2013 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, % |                              |
|------------------------------------------------------|-------------------------|------------------------------|-------------------------|------------------------------|-------------------------|------------------------------|-------------------------|------------------------------|--------------------------------------------|------------------------------|
|                                                      | Пуллик хизмат, млн, сўм | ш.ж. Маиший хизмат, млн. сўм | Пуллик хизмат, млн, сўм | ш.ж. Маиший хизмат, млн. сўм | Пуллик хизмат, млн, сўм | ш.ж. Маиший хизмат, млн. сўм | Пуллик хизмат, млн, сўм | ш.ж. Маиший хизмат, млн. сўм | Пуллик хизмат, млн, сўм                    | ш.ж. Маиший хизмат, млн. сўм |
| <b>Вилоят буйича:</b><br><b>(амалдаги нархларда)</b> | 377113,1                | 48344,8                      | 484961,3                | 63727,7                      | 719617,3                | 70754,7                      | 1003229,9               | 123481,2                     | 266,0                                      | 255,4                        |
| <b>Давлат мулкчилиги</b>                             | 24265,0                 | 74,4                         | 35319,7                 | 88,9                         | 50743,6                 | 107,0                        | 66299,6                 | 152,9                        | 273,2                                      | 205,5                        |
| <b>Нодавлат мулкчилиги</b>                           | 352848,1                | 48270,4                      | 449641,6                | 63638,8                      | 668873,7                | 70647,7                      | 936930,3                | 123328,3                     | 265,5                                      | 255,5                        |

<sup>29</sup> Манба: Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қашқадарё вилоятида 2013 йилда чакана товар айланмаси 3353203,1 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 115,6 фоизни ташкил қилди.

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 1114778,7 млн. сўмни ташкил қилиб, 2012 йилга нисбатан 117,2 фоизни ташкил қилди, (2.2 - жадвал).

Вилоятда фаолият кўрсатаётган бозорлар томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва моллари сотиш ҳажми 110,8 фоизни ташкил қилди ва 1804324,4 млн. сўмга етди, унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 53,8 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 434100,0 млн. сўмни ташкил этди ва 2012 йилига нисбатан 134,6 фоизни ташкил қилди. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 12,9 фоизни ташкил қилди.

Озиқ-овқат молларини сотиш ҳажми 1876642,4 млн. сўмни, ноозиқ-овқат молларини сотиш ҳажми эса 1476560,7 млн. сўмни ташкил қилди.

Товар айланмаси таркибида озиқ-овқат моллари улуши 2013 йилда 55,9 фоизни, ноозиқ-овқат моллари улуши 44,1 фоизни (2012 йилда мос равишда озиқ-овқат моллари 56,3 фоиз ва ноозиқ-овқат моллари 43,7 фоиз) ташкил қилди. Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 77014,2 млн. сўмга етди ёки 2012 йилга нисбатан 141,8 фоизни ташкил қилди.

2014 йилнинг 1 январ ҳолатига савдодаги товар захиралари 11051,1 млн. сўмни ёки 11 савдо кунини ташкил қилди.

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 1003229,9 млн. сўмни, унинг реал ўсиши эса 2012 йил январ-декабрига нисбатан 116,8 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишда расмий сектор томонидан амалга оширилиб 114,5 фоиз булиб, 482172,2 млн. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмдаги улуши эса 48,1 фоизни ташкил қилди.


Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 118,9 фоиз бўлиб, 521057,7 млн. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 51,9 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат секторнинг улуши 93,4 фоизни ташкил қилди. (2012 йилга нисбатан 124,1 фоиз).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган пуллик хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 12,4 фоизни ёки 123481,2 млн. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ҳажми 2012 йилга нисбатан 121,4 фоизни ташкил қилди. Маиший хизматларнинг 93,9 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми дастлабки баҳоланганда 116000,0 млн. сўмни, ўсиш суръати эса 178,4 фоизни ташкил қилди.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, Қашқадарё вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадла 2010-2013 йиллар давомида ошиб борган, (2.1-расм).



**2.1 – расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар таҳлили, минг сўм<sup>30</sup>**

<sup>30</sup> Манба: Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



2.1 – расм маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари 2013 йилда 2010 йилга нисбатан 70,6 фоизга ошиб борган. Ушбу давр мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот 129,8 фоизга, пуллик хизматлар 115,9 фоизга, хизматлар ҳажми эса 52,9 фоизга ошиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Бизнинг назаримизда, хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсири 2.2 – расмда келтирилган барча йўналишлар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва аҳоли турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурлари ва уларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- хизмат кўрсатиш соҳаси таркибини янада такомиллаштириш, аҳоли талабгор бўлган замонавий хизмат турлари билан бозорни жадал ривожлантириш ва тўлдиришга;
- шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг қурилишини режалаштиришда тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда минтақалар аҳолисига турли ижтимоий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- биринчи навбатда қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасига оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари ичидан ёшларни кенг жалб этиш.

## **2. Хизматлар кўрсатиш соҳаси самарадорлигининг омилли таҳлили**

Республикамизда хизмат кўрсатиш иқтисодиётининг шаклланиши билан фаолият самарадорлигини баҳолаш масалалари тадқиқотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда соҳа корхоналарида фаолият самарадорлигини оширишнинг усуллари ва йўналишларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодий самарадорлик хўжалик юритувчилар фаолияти натижасини акс эттиради, ижтимоий самарадорлик эса иқтисодий субъектларнинг ижтимоий самарадорлигини, уни жамият ҳаётининг турли томонларига таъсирини акс эттиради. Бунда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик муайян даражада ўзаро боғлиқдир.

Юқорида келтирилган таърифлар «Самарадорлик» моҳиятининг қуйидаги асосий жиҳатларини ифодалайди: биринчидан самарадорлик мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у бир ёки бир неча мезонлар асосида аниқланади. Иккинчидан, самарадорлик нисбий тушунча бўлиб, у ҳар доим муайян мақсадлар фаолиятига бўйсунди. Жаҳон тажрибасида самарадорликни баҳолашда иккита ёндашувдан – ресурс-харажат ва мақсадга йўналтирилган ёндашувлардан фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган фикрлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, самарадорликни баҳолашда мақсадга йўналтирилганлик ёндашуви ресурс-харажат ёндашувидан кескин фарқ қилади. Мақсадга йўналтирилган ёндашувдан фойдаланиш фаолият самарадорлигини баҳолаш имкониятини кенгайтиради. Унга асосан максимал унумдорлик – фаолият самарадорлигини ягона параметри бўлмасдан, самарадорлик ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таснифланади. Шу нуқтаи назардан самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланиш кўлами кенгайди. Ресурс-харажат ёндашувидан фарқли равишда мазкур ёндашув нафақат тижорат асосида хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини баҳоланиши, балки нотижорат субъектлар самарадорлигига ҳам баҳо бериш мумкин.



Умуман юқорида таъкидланган ёндашувларни таққослама хусусияти қуйидаги жадвалда келтирилган.

## 2.3-жадвал

### Ресурс-харажат мақсадига йўналтирилган ёндашувлар доирасида самарадорлик кўрсаткичларини таққослаш тавсифи<sup>31</sup>

| Параметрлар                                    | Ресурс-харажат ёндашуви               | Мақсадга йўналтирилган ёндашув                                                                                                                                                                                  |
|------------------------------------------------|---------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Кўрсаткичларни ҳисоблаш усули                  |                                       | Ташқи самарадорлик<br>$C = \frac{\text{хакикий натижа}}{\text{мақсадли натижа}}$ Ички самарадорлик<br>$C = \frac{\text{мақсад сарфлари}}{\text{хакикий сарфлар}}$ Умумий самарадорлик<br>Сумум = Сички x Сташқи |
| Кўрсаткичларнинг оптимал аҳамияти              | Максимал                              | $\geq 1$                                                                                                                                                                                                        |
| Самарадорлик ва унумдор-ликни ўзаро боғлиқлиги | Бир хил кўрсаткичлар                  | Кўрсаткичлар тизими                                                                                                                                                                                             |
| Аҳамияти                                       | Микдорий кўрсаткичлар                 | Сифат кўрсаткичлари                                                                                                                                                                                             |
| Қўллаш соҳаси                                  | Иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳаси | Ижтимоий, иқтисодий ва Ижтимоий-иқтисодий                                                                                                                                                                       |

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш фақат самарадорлик мезонини ўз ичига олиш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Чунки, мезон асосан самарадорликни оширишнинг моҳиятини ва асосий вазифаларини ифодалайди,

<sup>31</sup> Муаллиф ишланмаси.

лекин ўлчов ҳамда баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қила олмайди. Бу вазифани иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳал қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва ресурсларини тавсифловчи кўрсаткичлар зарурлигини тақозо этади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётни замонавий тармоқлари сингари ривожланиб бораётган соҳадир. Шунга кўра, мазкур соҳада фаолият юритувчи хўжалик субъектлари иқтисодий самарадорлигини барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади: истеъмолчиларнинг турли қатламларига мос хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш; хўжалик юритувчи субъектлар томонидан таклиф этилаётган хизматларни оммабоплигини таъминлаш; хўжалик субъектлари фаолиятининг натижадорлигини ошириш; сарфларнинг нисбий даражасини пасайтириш; соҳада юқори унумдорликни таъминлашга эришиш.

Мазкур мезонлар хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Иқтисодий адабиётларда самарадорлик кўрсаткичларини турлича: баҳолаш миқёси бўйича, ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича, кўрсаткичларнинг аҳамияти бўйича, уларнинг қарорлар қабул қилишдаги роли бўйича, умумлаштириш даражаси ва ҳоказолар бўйича таснифлари учрайди.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари икки гуруҳга: хусусий ва умумлашган кўрсаткичларга бўлинади. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи хусусий кўрсаткичларга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари киради. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси (натурал ва қиймат кўрсаткичлари); ўртача меҳнат ҳақи; бир ходим ҳисобига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг

ўсиш суръати ва меҳнатга ҳақ тўлаш суръатининг нисбати; меҳнат ҳақининг бир сўмига олинган натижа кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини кенг тавсифига эга бўлиш мумкин бўлади.

Умумлашган кўрсаткичларга мақсадли натижалар бўйича ҳисобланадиган кўрсаткичлар киради.

Хориж мамалакатларида чоп қилинган илмий ишларда хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари кўпроқ ресурс-харажат ёндашуви асосида таҳлил этилган. Бунда унумдорлик ва самарадорлик кўрсаткичларига бир хил иқтисодий категория сифатида ёндашилган. Шу сабабли хорижий мамалакатларда хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини тавсифлашда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан фойдаланилган. Хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлик кўрсаткичларини ифодалашда унумдорлик статистикасидан фойдаланиш илмий жиҳатдан тўғри, чунки биринчидан, самарадорликни талқинида унумдорлик кўрсаткичларидан фойдаланиш зарурати ҳолатларини келтириб чиқаради. Иккинчидан, ўз навбатида хизмат кўрсатиш иқтисодиёти шароитида олинган маълумотлар таҳлиliga кўра, амалиётда фаолият самарадорлигини баҳолашда кенгайтирилган тарзда ёндашувни мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ҳақини унумдорликка боғлиқ ҳолда ўсишини таъминлаш қийинлигини биринчи марта ҳар тарафлама таниқли иқтисодчи олим В.Баумоль томонидан таҳлил қилинган. У ўз ғоясини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида доимий тарзда иш ҳақи даражасини бир хилда ушлаб туриш механизми билан асослайди. Унинг фикрича, хизматларга нисбатан ишлаб чиқаришда унумдорлик даражаси бир мунча тезроқ ўсиб боради. Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ҳақи даражаси моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги унумдорлик кўрсаткичларига асосланади ва унга бевосита боғлиқдир. В.Баумоль хизматларни турли-туманлиги уни умумлаштиришни қийинлигини эътироф этиб, бу соҳани унумдорлик даражасига қараб уч категорияга ажратади:

- ҳаракатсиз индивидуал хизматлар;
- ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш;
- асимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш.

Бизнингча, бундай ёндашув самарали бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик муаммоларини тадқиқ қилишда кенг имкониятларни юзага келтиради.

Бизнинг фикримизча, хорижий адабиётларни ўрганиш ва хизмат кўрсатиш фаолияти унумдорлиги (ресурс-харажат ёндашуви) нуқтаи назаридан кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Хизмат кўрсатиш фаолияти унумдорлиги (ресурс-харажат ёндашуви бўйича самарадорлик)ни ўсиш даражасининг турличалиги хизматлар кўрсатиш жараёнида илмий-техника тараққиёти таъсирини ҳар хиллиги, истеъмолларни хизматлар истеъмолига жалб қилиниш даражаси билан асосланади.

2. Унумдорлик ўсиш даражаси (самарадорлик) прогрессив хизматлар категорияси ишлаб чиқариш хизматлари билан кўпроқ аҳамият касб этади. Ҳаракатсиз индивидуал хизматлар ижтимоий хизматлар таркибида камроқ хусусиятга эга. Асимптотик ҳаракатсиз хизматлар эса кўпроқ хилма-хилликга эга бўлиб, бунда унумдорлик (самарадорлик) даражаси прогрессив компоненти юқори бўлган хизматлар ҳиссасига боғлиқ. Бундай хизмат турларига истеъмол ва тақсимот хизматлари ҳам киради.

3. Бир неча категориядаги хизматларнинг самарадорлигини баҳолашда ресурс-харажат ёндашуви самарадорлиги ҳақида бир мунча тор тасаввурни беради, чунки у фақат иқтисодий томонини ёритади. Бу ҳол баъзи хизмат категорияларида унумдорлик кўрсаткичларининг аҳамияти пасайишини асослайди.

Шундай қилиб, хорижий тадқиқотчиларнинг тажрибаси хизмат кўрсатиш фаолиятининг баъзи турлари самарадорликни баҳолашда ресурс-харажат ёндашувидан фойдаланишнинг чегараланганлигидан далолат беради ва шунинг учун ҳам унинг (хизмат кўрсатиш хизматларининг баъзи турларини)

самарадорлигини баҳолашда янгича комплекс ёндашувнинг долзарблигини келтириб чиқаради, яъни мақсадга йўналтирилган ёндашувдан фойдаланишни тақозо этади.

Айни вақтда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Унинг соҳалари аҳолининг маънавий ривожланиш эҳтиёжларини, соғлиқни сақлашда, дам олиш, болаларни тарбиялашда, уй-рузғорни юритишда, умуман олганда ҳар бир киши, ҳар бир оила учун зарур бўлган эҳтиёжларни қондириб келмоқда. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва такомиллашига фаол таъсир этган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳалари, шу билан бирга, муҳим ижтимоий – иқтисодий масалаларни ечишда кўмаклашади. У ўз таркибига қўйидаги соҳаларни, яъни пулли хизмат кўрсатиш турлари, ижтимоий таъминот, дам олиш масканлари, туризм ва спорт, таълим, маданият муассасалари, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа шу каби хизматларни қамраб олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини таҳлил этиш ва истиқболни белгилаш келажакда ушбу соҳаларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини ишлаб чиқишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Истиқболни белгилаш кўриб чиқиладиган даврда ижтимоий ривожланиш мақсадида келиб чиқадиган ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқариш муаммоларни олдиндан кўриш имкониятини беради. Иқтисодий ҳолатни олдиндан кўриш уни ривожлантиришнинг энг оқилона йўлини танлаб олишни егиллаштиради.

Башорат (Прогнозлаш, истиқболни белгилаш) турлари қўйилган мақсадлардан, объектдан, предметдан, характеридан, услубларидан, прогнозни ташкил этиш ва ҳоказо белгиларидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин.

Башоратнинг 2 тури мавжуд: стратегик ва норматив (меъёрий).

Стратегик прогноз – бунда келажакда ҳодисаларни қандай ҳолатда бўлиши мумкинлигини аниқлаш. Ушбу прогноз: мавжуд тенденцияларни

сақлаб қолган шароитда қандай юзага келишнинг эҳтимоли кўпроқ, деган саволга жавоб беради.

Меъёрий (норматив) прогнозда – қўйилган мақсадга эришиш йўллари ва муддатларни аниқлайди. Яъни, бунда мақсадга эришиш учун олдиндан ишлаб чиқилган меъёр, идеал, вазифаларни қўллаган ҳолда башорат қилиш (прогноزلаш). Ушбу башорат: мақсадга қандай йўллар билан эришиш мумкин, деган саволга жавоб беради.

Ҳозирги вақтда республикамызда ва чет эл минтакавий иқтисодий тадқиқотларда кўпроқ эконометрик турдаги экстраполяцион – статистик моделлар кўпроқ ўрин эгаллаб келмоқда.

Тадқиқот ишида, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадларининг ошишини аҳоли жон бошига тўри келадиган пуллик хизматлар ҳажми ўртасидаги боғлиқликни регрессия усули орқали аниқлаб олдик.

## 2.4 – жадвал

### Қашқадарё вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларга хизмат кўрсатиш соҳасининг таъсири, минг сўм<sup>32</sup>

| Йиллар                                     | Аҳоли жон бошига пул даромадлари<br>Y | Аҳоли жон бошига жами хизматлар<br>X <sub>1</sub> | Ўртача ойлик иш ҳақи<br>X <sub>2</sub> |
|--------------------------------------------|---------------------------------------|---------------------------------------------------|----------------------------------------|
| 2010                                       | 902,4                                 | 538,4                                             | 765,4                                  |
| 2011                                       | 1110                                  | 710,1                                             | 905,1                                  |
| 2012                                       | 1359,5                                | 890,1                                             | 1040,1                                 |
| 2013                                       | 1700,5                                | 1162,2                                            | 1170,6                                 |
| 2013 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, % | 188,4                                 | 215,9                                             | 152,9                                  |

<sup>32</sup> Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таҳлилда натижавий омил сифатида аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари олинган, таъсир этувчи омиллар сифатида эса, аҳоли жон бошига тўғри келдаиган жами хизматлар қиймати ва ўртача ойлик иш ҳақи миқдори ҳисобга олинди.

2.4–жадвал маълумотларини компьютер дастури ёрдамида қайта ишлаш асосида қуйдаги натижаларга эга бўлдик:

## 2.5 - жадвал

### Регрессион таҳлилнинг якуний натижаси <sup>33</sup>

| Регрессион статистика |                |               |              |
|-----------------------|----------------|---------------|--------------|
| Кўплик R              | 0,99976001     |               |              |
| R-квадрат             | 0,999520077    |               |              |
| Нормаланган R-квадрат | 0,998560232    |               |              |
| Стандарт хато         | 13,03531351    |               |              |
| Кузатувлар            | 4              |               |              |
|                       |                |               |              |
|                       | Коэффициентлар | Стандарт хато | t-статистика |
| Ҳ-кесишган жой        | 181,6314768    | 146,2229      | 1,242155     |
| Ўзгарувчан $X_1$      | 1,253049831    | 0,216709      | 5,782171     |
| Ўзгарувчан $X_2$      | 0,054057305    | 0,331355      | 0,16314      |

Олинган натижалардаги коэффициент миқдорларидан кўриниб тўрибдики, аҳоли жон бошига жами хизматлар қийматини бир минг сўига ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 1253 сўмга ошишига олиб келади, бир кишининг ўртача ойлик иш ҳақининг ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 54 сўмга ошишига олиб келади. Демак, ушбу омилларнинг ҳар бирини яқка ҳолда таҳлил этганда қолган омиллар ўзгаришсиз, деб қаралганда энг катта таъсир аҳоли жон бошига тўғри келдаиган хизматлар қийматига тўғри келади. Натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар

<sup>33</sup> Компьютер дастури ёрдамида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ўртасидаги боғланишни ифодаладиган регрессиянинг чизиқли тенгламасини қуйидагича акс эттириш мумкин:

$$Y=181,63 +1,25X_1 + 0,05 X_2 \quad (2.1)$$

Бунда  $Y$  – аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, минг сўм;

$X_1$  – аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами хизматлар қиймати, минг сўм;

$X_2$  – ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм.

### **3. Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси**

Ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчасига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан янгича ёндашувни зарурат этмоқда. XX асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб хорижий адабиётларда хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг қўламда киришилди.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши инсонлар моддий фаровонлиги ва турмуш сифатини ошишига олиб келди. Маълумки, XIX асрнинг охирларида Э.Энгель томонидан аҳоли даромадини ўсиши билан истеъмол таркибини ўзгаришини статистик жиҳатдан боғлиқлигини асослаган эди. Э.Энгельнинг қондасига кўра, аҳолининг турмуш шароити ва даромадлари даражаси қанчалик юқори бўлса, истеъмолчи сарфининг катта қисмини юқори сифатли товарлар ва хизматларга сарфланади. Яъни, аҳолининг фаровонлиги ва даромадлари қанчалик юқори бўлса, улар oilaviy бюджетининг кам қисмини озиқ-овқат маҳсулотларига, кўп қисмини эса сервис хизматларига сарфлашади. Ривожланган мамлакатларда oilaviy бюджетнинг 18-20%и озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолига, 35-40%и эса хизматларга сарфланади.



Хусусан, турли хил товар ва хизматларга тўлов қобилиятини даромадга нисбатан эгилувчанлик коэффиценти ва бошқа йўналишдаги татқиқотлар. Масалан, В.Фьюкс 1968 йилда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш сабабларидан бири сифатида саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни паст даражада ўсиши деб ҳисоблайди<sup>34</sup>. В.Фьюкс томонидан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлик тақсимооти аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулот билан чамбарчас боғлиқ деган фикри ўз тасдиғини топмоқда. У таъкидлайдики, агарда қишлоқ хўжалиги ҳиссаси даромадларга талаб эластиклиги фарқи билан тушунтирилса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар учинчи сектор (хизмат кўрсатиш)ни биринчи (қишлоқ хўжалиги) ва иккинчи (саноат) секторга нисбатан паст унумдорлик даражаси билан ифодаланади.<sup>35</sup> Бу ҳақида саноатда ялпи омилли унумдорлик ўсиши ва хизмат кўрсатиш секторини ривожланиши ўртасидаги юқори корреляция коэффиценти мавжудлигидан далолат беради.

Осиё унумдорлик ташкилоти ҳисобларига кўра, Осиёнинг бир қатор мамлакатларида ушбу корреляция коэффиценти қўйидагича (2.6- жадвал).

## 2.6- жадвал

### Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва саноатда унумдорликнинг ўсиши уртасида корреляция<sup>36</sup>.

| Мамлакат      | Корреляция коэффиценти |
|---------------|------------------------|
| Жанубий Корея | 0,82                   |
| Таиланд       | 0,62                   |
| Малайзия      | 0,59                   |
| Япония        | 0,95                   |

<sup>34</sup> FUCHSV.R The service Economic “National Bureau of Economic Research, New York, 1968

<sup>35</sup> Маркова М.Д. Маркетинг услуг. М.Финансы и статистика. 1996 С-8

<sup>36</sup> Maha devan R.New Curents in Productivity Analysis. Whee To Now? – APO. 2002. P-40

Хорижий иқтисодий адабиётларда миллий хўжаликларнинг алоҳида тармоқларида унумдорлик (самарадорлик) даражасидаги фарқ XX асрнинг 70 йилларидан тадқиқот предмети бўла бошлаган. Ўша даврдаёқ капитал сиғимининг юқорилиги билан ажралиб турадиган (саноат ва қурилиш хўжалиги) иқтисодиёт секторларига нисбатан жонли меҳнати кўп бўлган тармоқларда (хизмат кўрсатиш) унумдорлик юқорилиги тан олинган. Бу ҳақида В.Баумоль, С.Блекмен ва Е.Вольфлор ўз тадқиқотларида тухталиб ўтишган. Қуйидаги жадвалда 1981-2000 йилларда ривожланган мамлакатларда хусусий унумдорлик кўрсаткичларидан бирининг ўсиш суръати статистикаси келтирилган.

Хизмат соҳасида меҳнат унумдорлигини пасайиши барча мамлакатларда рўй берган, айниқса Францияда (2,6% дан 1,9%гача), Англияда (1,7%дан 0,8 %гача), Германияда (2,6%дан 2,0%гача) мазкур кўрсаткични пасайиш тенденцияси юқорироқ бўлган.

Умуман хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик даражаси саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан паст даражада эканлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ахборот технологиялари моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган тармоқларда самарадорликни ошишига олиб келишини ҳеч бир иқтисодчи инкор қилмайди, аммо унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига таъсири масалалари очик қолмоқда. Бунга боғлиқ ҳолда, саноатга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандликни юқори эканлигини кўпчилик хориж иқтисодчилари хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни индустриал тармоқларга нисбатан пастлиги билан ифодаляйдилар.


1987 йилда Р.Солоу томонидан ишлаб чиқилган «Унумдорлик парадокси»<sup>37</sup>га кўра компьютер технологиялари учун қилинган инвестиция ҳажмининг ўсиб бориши, унга мос ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни ошишига олиб келмаган.

---

<sup>37</sup>

Solow R We'd Better Out // New York Review of Books. 1987. July 12-p36

Уни таъкидлашича, XX асрнинг 80 йилларида АҚШда компьютер технологиялари учун қилинган инвестиция 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган, унинг 85%и хизмат соҳасига йўналтирилган, аммо бу соҳада меҳнат унумдорлигини йиллик ўсиши 1%ни ташкил этган. 90 йилларда эса АҚШ саноатида унумдорликнинг ўсиш суръати 3%ни умуман иқтисодиёт бўйича унумдорлик 1,1%ни ташкил қилган. Ушбу манба асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, унумдорликнинг умумий кўрсаткичини паст бўлишига учинчи сектордаги (хизмат кўрсатишда) унумдорлик даражасини пастлиги сабабдир. Сервис фаолияти соҳасида унумдорлик даражаси пастлиги сабабини қуйидагича тушуниш мумкин. Бир томондан хизматлар юқори технологияли капитал ва интенсив билим талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлаштиради, иккинчи томондан, паст технологияли ва кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлантиради. Шунингдек, хизмат соҳасида юқори малакали ва юқори иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам, паст иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам меҳнат қилади. Бу ҳол албатта унумдорлик даражасини пастлигига таъсир қилади. Хизматларнинг турли-туманлиги ва хилма-хиллигини Дж.Зингельман томонидан эътироф этилган ва у хизматларни ишлаб чиқариш, истеъмол, ижтимоий ва тақсимот хизматларига таснифлаган, (2.3-расм).



**2.3.-расм. Дж. Зингельманнинг хизматларни таснифлаш таркиби<sup>38</sup>**

<sup>38</sup>Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) // Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. – С.37-38.

Дж.Зингельман томонидан таснифлаган хизмат турларининг ҳар бири тури, ўз навбатида, ўзининг мураккаб таснифига эга. Мисол учун, банкларнинг, тиббиётнинг, маиший хизматнинг бир неча юз турлари мавжуд. Шунинг учун ҳам бир хизмат доирасида бир неча фарқланувчи белгилари бўлиши мумкин. Хусусан, тиббиёт хизмати бир вақтнинг ўзида юқори малакадаги касбий тайёргарликни талаб қилувчи капитал интенсив кўринишдаги (мисол учун компьютер диагностикаси ва турли аппаратлар билан даволаш) ва юқори меҳнат талаб қилмайдиган меҳнат интенсив (мисол учун, жарроҳлик аралашуви, ташхис қўйиш) кўринишидаги хизматларни ўз ичига қамраб олади.

Шунинг учун ҳам хизматларни ҳаддан ташқари хилма хиллиги сабабли бир тармоқ ичида фан техника тараққиёти моддий ишлаб чиқаришга нисбатан хизмат соҳасига паст таъсир кўрсатади.

Сервис фаолиятини самарадорлик кўрсаткичини пастлигининг яна бир сабаби сифатида моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизмат соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнат ҳақининг пастлигидир. Аммо хизматларнинг баъзи турларини кўрсатувчи ходимлар меҳнат ҳақи, моддий ишлаб чиқариш ходимларига нисбатан анча юқори (мисол учун, инженеринг, консалтинг, молия, суғурта ва ҳоказолар).

1990-2005 йиллар мобайнида АҚШ хизмат соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи саноат ходимларининг иш ҳақини 67% ни ташкил этган. Японияда хизмат соҳаси ходимининг иш ҳақи, саноатчиларга нисбатан 7% га, Германияда – 15% га кам. Бундан ташқари 1960 йилларда АҚШда учинчи секторда (хизмат соҳасида) банд бўлган бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми саноат ходими ишлаб чиқаришининг 77,5% ни ташкил этди. 1992 йилда бу кўрсаткич 69,4 %ни ташкил этган. Шу вақт оралиғида ушбу секторда меҳнат унимдорлиги 0,35% га камайиб борган<sup>39</sup>. Шундай қилиб, иқтисодиётни умумий таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошиб боришига қарамай, бу

---

<sup>39</sup> Statistical Abstract of the united states. 1980, p 441; 1983, p 394; 1986, p 410, 433; 1987. p 4224 1992 p403; 1994 p 447; 1995 p 424, 452. Цитируется по: Иноземсов В.Пародоксы посттриальной экономики // МЭ и МО. 2005 №3 С. 3-4

соҳа узоқ вақт мобайнида статистик жиҳатидан кам унимли (кам самарали) ҳисобланган.

Шу билан биргаликда ХХІ асрнинг бошларидаги статистик маълумотларга эътибор берсак, 1994 йилга қадар, ҳақиқатан ҳам унимдорлик кўрсаткичи паст даражада бўлган, аммо 1995 йилдан бошлаб, ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда сервис фаолияти унимдорлиги барқарор ўса бошлади. Хусусан, Б.П.Босворт ва Д.У.Триплетт тадқиқотлари маълумотларига кўра, 1977 йилдан 1995 йилга қадар хизмат соҳасида ялпи омилли унимдорлик ўртача 1% йиллик ўсишни ташкил этган. 1995 йилдан 2005 йилга қадар бу кўрсаткични йиллик ўсиши 2,2 -2,9 % ни ташкил этди<sup>40</sup>.

Ҳозирги вақтда хориж тадқиқотчилари «Р.Солоу парадокси»нинг ечимини тушинтирувчи бир неча гипотезаларни илгари суришмоқда. Биринчидан энг кўп тарқалган вариант сифатида унимдорлик статистикасини номукамаллиги эътироф этилади. Бундай фикрни Р.Солоу илгари сўрган. Иккинчидан, кенг тарқалган вариантлардан яна бири амал қилаётган моддий ишлаб чиқариш ўзагида «сервис хизматлари»ни тўлиқ ҳисобга олмаслик ҳисобланади. Хусусан, «Дж.Зингельман»нинг ишлаб чиқариш хизматлари шулар жумласига киради. Германия миллий хўжалиги институти маълумотларига кўра 1990 йилларнинг бошларида саноат ишлаб чиқаришида сервис хизмат турларининг ҳиссаси 80,6% ни ташкил этган. Жумладан ахборот – таълим хизматлари 11,6% ни, бошқарув хизматлари 6,11% ни, илмий тадқиқотлар 4,9%ни ташкил этган. Учинчидан «Солоу парадокси» тушунтириш илгари амал қилган бошқа ухшаш тадқиқотлар орқали ҳам тушунтириш мумкин.

Бунга «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси» мисол бўла олади. Шунингдек «Солоу парадокси»нинг турли таҳлилий ечимини амал қилишига қарамасдан ҳозирги вақтда улардан ҳеч бири шубҳасиз тўғри деб тан олинмаган. Аммо саноати ривожланган мамлакатларда хизмат соҳасида

<sup>40</sup>

Wall street Journal (November 7.2005)

унумдорлик ўсиш суръати статистикаси ҳозирги вақтда сервис фаолиятини унумдорлигини (самарадорлигини) барқарор ўсаётганидан далолат беради.

Баъзи ҳолларда (масалан, Нервигиода) хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини ўсиш сурати саноатдагига нисбатан бир мунча юқорилигини таъкидлаш мумкин. Юқоридаги маълумотлар «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси»ни, яъни вақт ўтиши билан меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатини жадаллашувини асослашга хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўсиш суръати статистикаси маълум бир қизиқиш уйғотади. XX асрнинг 80 йиллариданоқ хориж тадқиқотчилари ЯИМ ҳажмида хизматлар хиссасини ўсишини ва постиндустриал жамиятда юқори технологияли тармоқлар керакли даражада айрим хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнат унумдорлигини юқори бўлмаслигини талқин этишга ҳаракат қилишган. 1985 йилда Л.Саммерс томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, хизмат кўрсатиш соҳасини турли-туманлиги ушбу соҳага илмий техника тараққиёти ютуқларини бир хилда жорий этилмаслигини ва шунга мос ҳолда унумдорликни (самарадорликни) ўсиш суръати турличалигини кўрсатган.

Баъзи ривожланган мамлакатларда улгуржи ва чакана савдо, транспорт, алоқа, молиявий хизматларда унумдорлик даражасини сезиларли ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунда маълум бир қонуниятни, яъни Дж. Зингельманнинг ишлаб чиқариш ва тақсимот хизматларида унумдорликни юқори бўлиши қонуниятини амал қилаётганлигини кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек кейинги вақтларда унумдорликни ўсиш суръатини юқорилигини телекоммуникация ва алоқа тармоқларида кўришимиз мумкин. Хусусан, кейинги беш йил ичида бу тармоқларда унумдорлик Германияда 18%, Норвегияда 17% ни ташкил этган. Дж. Зингельманнинг таснифи бўйича истеъмол ва ижтимоий хизмат турларида унумдорликни бир мунча паст даражада бўлганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ресторан ва меҳмонхона хизматлари бу давр мобайнида Германияда 4,8%, Францияда 3 %, Норвегияда 6% бўлган. Мавжуд бундай қонуниятни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Истеъмол

ва ижтимоий хизмат соҳаларида бошқа соҳаларга нисбатан унумдорликни паст даражасини ушбу хизматдаги хусусиятлар ва уларга ИТТ ни таъсир кўрсатиш имкониятларини чегараланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Д.Треплет ва Б.Босвортларнинг таъкидлашича ИТТнинг таъсири асосан хизмат соҳасининг беш тармоғига, яъни молия хизмати,улгуржи ва чакана савдо хизмати, ишблармонлик хизматлари, суғурта ва коммуникация тармоқларида интенсив таъсир кўрсатмокда. Шунингдек ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида бу соҳаларни ривожлантириш мақсадида йирик ҳажмдаги инвестициялар йуналтирилмокда. Масалан, АҚШда жами инвеститцияларнинг 50% и хизмат соҳасига йуналтирилади ёки ҳар йили ўртача 220 млрд АҚШ доллари миқдоридаги маблағ хизмат соҳасига йуналтирилади.

Шундай қилиб, барча хизматлар меҳнاتини капиталга (унумли) алмаштириш лаёқатига эга бўлган ФТТи ютуқларини бир хилда қабул қилиш хусусиятига эга эмас, бу эса ўз навбатида самарадорликка ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан биргаликда истеъмол ва ижтимоий хизматлар самарадорлигининг пастлигини бир қанча сабаблари мавжуд. Бир қатор анъанавий хизматлар (меҳмонхона хизмати, умумий овқатланиш, маиший хизматлар ва бошқалар субъектив хусусиятга эга) стандартлаштириш ва техникалашга мос келмайди. Баъзи (хизматлар, масалан, соғлиқни сақлаш ИТТи ютуқларини тез қабул қилса ҳам, улар кўпрок истеъмолчининг хоҳиш-истагига, хизмат даражасига боғлиқдир. Агар улар паст даражада бўлса, бу ҳол ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, хизматнинг бу турларида унумдорлик даражасини оширишга ахборот-технологиялари унчалик катта ижобий таъсир кўрсатмайди.

Истеъмол ва ижтимоий хизматларда унумдорлик даражаси паст бўлиши муайян қийинчиликларни, хусусан, хизмат соҳасида банд бўлганлар меҳнат ҳақи ва унумдорлиги нисбатида муаммоларни келтириб чиқаради. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ҳақини унумдорликка боғлиқ ҳолда ўсишини таъминлаш қийинчилигини биринчи марта ҳар тарафлама таниқли иктисодчи олим В.Баумоль томонидан таҳлил қилинган. У ўз ғоясини ишлаб чиқариш ва

ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида доимий тарзда иш ҳақи даражасини бир хилда ушлаб туриш механизми билан асослайди. Унинг фикрича, хизматларга нисбатан ишлаб чиқаришда унумдорлик даражаси бир мунча тезроқ ўсиб боради. Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ҳақи даражаси моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги унумдорлик кўрсаткичларига асосланади ва унга бевосита боғлиқдир. В.Баумоль хизматларни турли-туманлиги уни умумлаштиришни қийинлигини эътироф этиб, бу соҳани унумдорлик даражасига қараб уч категорияга ажратади:

- ҳаракатсиз индивидуал хизматлар;
- ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш;
- асимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув самарали бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик муаммоларини тадқиқ қилишда кенг имкониятларни юзага келтиради. Шунинг учун уни тўлиқроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. В.Баумоль томонидан ажратиб кўрсатилган биринчи категория, яъни ҳаракатсиз индивидуал хизматлар – ўзига шундай хизматларни бирлаштирадики, унда унумдорлик (самарадорлик) ошмайди. Бундай хусусият ушбу хизматларнинг табиатидан келиб чиқади (масалан, персонал характердаги шахсий хизматлар).

Унинг иккинчи категория хизмати ўзига хос хусусиятга эга, прогрессив хизмат кўрсатиш – ўз таркибига мижозни иштирок этишини талаб қилмайдиган хизматларини бирлаштиради: масалан, банкда пулни сақлаш хизмати. Хизматнинг бу турида мижоз икки ҳолатда иштирок этиши мумкин, яъни, шартнома тўзишда ва шартнома муддати тугаганда, бошқа ҳолатларда мижоз хизмат жараёнида иштирок этмайди. Шунингдек, бу категория хизматларига шундай хизматлар кирадики, уларни кўрсатишда машиналар ва асбоб ускуналар салмоқли рол ўйнайди. Бундай хизматлар мижозни иштирокини умуман талаб этмайди ҳамда уларда жонли меҳнат сарфини камайтириш учун машина ва механизмларни киритиш имконияти катта. Шундай қилиб, ўзига хос



хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш учун унумдорлик (самарадорлик)ни ўсиш характерли жараёндир.

В.Баумольни учинчи категорияли хизмати – ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш деб номланиб, унда биринчи ва иккинчи категория хизматларини характерли хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бундай хизматларга маълумотларни қайта ишлаш бўйича хизматлар киради. Бу хизматларнинг икки асосий ресурслари мавжуд: техника ва дастур таъминоти. Биринчи компонент иқтисодиётни прогрессив сектори маҳсулоти (иқтисодиётда техника қиймати технологиялар ва унумдорликни ўсиш билан пасайиб боради). Иккинчи компонент – ҳаракатсиз сектор маҳсули бўлиб, унинг сарф харажатлари ўсиб бориш хусусиятига эга.

Бу категория хизматининг ўзига хос муҳим хусусияти – ўзининг ҳаётий циклини дастлабки даврида ҳаракатларнинг пастлиги ва унумдорликнинг ўсишини юқорлигидир. Аммо дастлабки даврда унумдорликнинг ўсиши қанчалик юқори бўлса, у кейинчалик шундай тез пасаяди. Демак, вақт ўтиб бориши билан ассимптотик ҳаракатсиз хизматларни кўрсатишда харажатларни ўзгартириб бориши рўй беради. Масалан, саратрошхона хизматини йўлга қўйишнинг дастлабки даврида асосий воситалар ва асбоб - ускуналарга катта сарф харажатлар қилинади (яъни биринчи компонент учун), сартарош меҳнат ҳақи бўйича сарфлар (иккинчи компонент) эса минимал ҳолда бўлади. Вақт ўтиши билан ишлаб чиқаришдаги капитал қўйилмалар ўзини оқлай бошлайди, сартарош эса ўзининг меҳнат ҳаққини оширишни талаб қила бошлайди.

В.Баумольнинг ассимптотик ҳаракатсиз хизмат кўрсатиш категориясини ва Дж.Зингильманнинг таснифи билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапирганда, қуйидагини эътироф этиш, яъни мазкур категория хизматларига Дж.Зингельманнинг истеъмол ва тақсимот хизматларини киритиш мумкин. Хусусан, истеъмол хизматлари (ресторан, меҳмонхона, маиший хизматлар) кўп ҳолларда паст компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил қилади. Шунингдек, Дж.Зингельманнинг таснифи бўйича тақсимот хизматлари (транспорт, алоқа савдо) В.Баумоль таснифи бўйича юқори

компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил этади. Улар учун ИТТнинг таъсири кучлимас, истеъмолчиларни жалб қилиниши пастлиги, хизмат жараёнида оммавий ишлаб чиқариш ва стандартлашнинг юқорилиги каби хусусиятлари хосдир.

Бизнинг фикримизча, хорижий адабиётларни ўрганиш ва сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви) нуқтаи назаридан кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви бўйича самарадорлик)ни ўсиш даражасининг турличалиги хизматлар кўрсатиш жараёнида ИТТни таъсирини ҳар-хиллиги, истеъмолларни хизматлар истеъмолига жалб қилиниш даражаси билан асосланади.

2. В.Баумоль томонидан унумдорликни ўсиш даражасига боғлиқ хизматларни уч категорияга: ҳаракатсиз (инерт) индивидуал хизматларга, ўзига хос хусусиятига эга прогрессив хизмат кўрсатишга, ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатишга ажратилган. Тадқиқот жараёнида В.Баумоль хизматлар таснифи билан Дж.Зингельман таснифининг ўзаро боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланди. Хусусан, унумдорлик ўсиш даражаси (самарадорлик) прогрессив хизматлар категорияси ишлаб чиқариш хизматлари билан кўпроқ аҳамият касб этади. Ҳаракатсиз индивидуал хизматлар ижтимоий хизматлар таркибида камроқ хусусиятга эга. Ассимптотик ҳаракатсиз хизматлар эса кўпроқ хилма-хилликга эга бўлиб, бунда унумдорлик (самарадорлик) даражаси прогрессив компоненти юқори бўлган хизматлар ҳиссасига боғлиқ. Бундай хизмат турларига истеъмол ва тақсимот хизматлари ҳам тегишли.

3. В.Баумоль хизматлар категориясини хизматларларнинг шундай хоссалари, яъни хизматларни автоматлаштириш даражаси, хизмат кўрсатиш жараёнига истеъмолчиларни жалб қилиш ва хизмат жараёнига техник - муҳандислик ва ИТТнинг таъсири билан тавсифлаш мумкин.

4. Сервис фаолиятида самарадорлик (унумдорлик) кўрсаткичлари статистикасини ўрганиш орқали шундай хулоса қилиш мумкин: бир неча

категориядаги хизматларни самарадорлигини баҳолашда ресурс-сарф ёндашуви самарадорлик ҳақида бир мунча тор тасаввурни беради, чунки у фақат иқтисодий томонини ёритади. Бу ҳол баъзи хизмат категорияларида унумдорлик кўрсаткичларини аҳамияти пасайишини асослайди.

Шундай қилиб, хорижий тадқиқотчиларнинг тажрибаси сервис фаолиятининг баъзи турлари самарадорликни баҳолашда ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланишнинг чегараланганлигидан далолат беради ва шунинг учун ҳам унинг (сервис хизматларини баъзи турларини) самарадорлигини баҳолашда янгича комплекс ёндашувнинг долзарблигини келтириб чиқаради.

## **II боб бўйича хулоса**

Ушбу боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. 2013-йил якунларига кўра, Қашқадарё вилоятида кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000-йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

2. Регрессия услуви орқали аҳоли даромадларига хизмат кўрсатиш соҳасининг таъсири таҳлил қилинганда уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланди.

3. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари икки гуруҳга: хусусий ва умумлашган кўрсаткичларга бўлинади. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи хусусий кўрсаткичларга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари киради.

4. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ахборот технологиялари моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган тармоқларда самарадорликни ошишига олиб келишини ҳеч бир иқтисодчи инкор қилмайди, аммо унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига таъсири масалалари очик қолмоқда. Бунга боғлиқ ҳолда, саноатга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандликни юқори эканлигини кўпчилик хориж иқтисодчилари хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни индустриал тармоқларга нисбатан пастлиги билан ифодаляйдилар.

### **III-боб. Қашқадарё вилоятида аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари**

#### **1. Қашқадарё вилояти аҳоли бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари.**

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатдош касб-ҳунарларга ўргатиш.

2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификация масалаларига эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир каторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутати.

3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб этади.<sup>41</sup>

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда, юртимизда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда (3.1-жадвал).

---

<sup>41</sup>Зокирова Н., Абдурахмонов О. Инқироз: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. – Т.: Fan va texnologiya, 2009. – 136-138-бетлар


**3.1 - жадвал**  
<sup>42</sup>

**Қашқадарё вилоятида аҳоли бандлиги динамикаси**

| Т/р  | Кўрсаткичлар номи                                                       | Йиллар   |             |             |             | 2013<br>йилда<br>2010<br>йилга<br>нисбатан<br>ўзгариши,<br>% |
|------|-------------------------------------------------------------------------|----------|-------------|-------------|-------------|--------------------------------------------------------------|
|      |                                                                         | 2010 йил | 2011<br>йил | 2012<br>йил | 2013<br>йил |                                                              |
| 1.   | Аҳоли сони, минг киши                                                   | 2671,0   | 2777,8      | 2830,4      | 2863,4      | 107,2                                                        |
| 2.   | Меҳнат ресурслари, минг киши                                            | 1481,7   | 1568,9      | 1618,1      | 1658,8      | 112,0                                                        |
| 3.   | Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, минг киши                                 | 1031,0   | 1060,0      | 1095,0      | 1052,2      | 102,1                                                        |
| 4.   | Ишсизлар сони, минг киши                                                | 59,3     | 56,2        | 58,3        | 58,3        | 98,3                                                         |
| 5.   | Меҳнатда бандлар сони, минг киши, шундан:                               | 971,7    | 1003,7      | 1035,7      | 1072,4      | 110,4                                                        |
| 5.1. | Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар сони                            | 564,8    | 608,9       | 642,6       | 632,5       | 112,0                                                        |
| 5.2. | Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар сони                          | 385,6    | 368,8       | 365,3       | 410,3       | 106,4                                                        |
| 5.3. | Меҳнат фаолиятини чет элга амалга ошириш учун чиқиб кетган шахслар сони | 21,2     | 26,0        | 27,8        | 29,5        | 139,2                                                        |
| 6.   | Яратилган янги иш ўринлари сони                                         | 86861    | 87927       | 88794       | 89400       | 102,9                                                        |

<sup>42</sup> Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томониан ишлаб чиқилди

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди .



### 3.1 – расм. Қашқадарё вилоятида иқтисодиётнинг нодавлат ва давлат секторларида иш билан банд бўлган аҳоли сони, минг киши<sup>43</sup>

Умуман олганда, республика ва унинг алоҳида ҳудудлари бўйича иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони ортмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган кичик мулкдорлар синфини шакллантиришга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратишга, ҳар бир оила даромадини кўпайтиришда ҳамда янги иш ўринларини яратиш эвазига ишсизлик масаласини ҳал этишга замин яратади.

Давлат иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига қуйидагиларни кафолатлайди:

- ишсизлик нафақасини тўлаш;

<sup>43</sup> Манба: Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

– меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;

– ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда, моддий ёрдам бериш;

– ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;

– меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш<sup>44</sup>.

Шундай қилиб, иш излаб меҳнат муассасаларига мурожаат қилганлар, иш билан таъминланганлар сони йилдан-йилга ошиб, ишсизлар сони ва даражаси пасайиб бориши кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби:

– иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан банд аҳолининг ўсиб бориши;

– меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат муассасалари хизматларининг яхшиланиши ва уларга иш излаб мурожаат қилаётганлар сонининг ошиши;

– меҳнат муассасалари таклиф этаётган кўплаб бўш иш ўринларининг мавжудлиги, фуқароларни ишга жойлаштириш фаолиятининг яхшиланиши ва бунинг натижасида иш излаб мурожаат қилганлар аксарият қисмининг иш билан таъминланиши.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида”ги 353-сон қарорига асосан, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари қуйидаги мақсадларда ташкил қилинади:

– иш қидираётган шахс сифатида меҳнат органларида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи (меҳнат даромади) олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат органлари томонидан ишсиз деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

---

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.

– биринчи марта иш қидираётган ва касби (мутахассислиги) бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш;

– турли сабабларга кўра касб фаолиятида анча узилишлар бўлган шахсларни (илгари болалар тарбияси, беморлар ва оиланинг кекса аъзоларига қараш билан машғул бўлган, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинганлар ва бошқалар) меҳнатга қайта тиклаш;

– иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш.

Бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш – тўла ва самарали иш билан таъминлашга кўмаклашувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг бир тури сифатида қаралади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишидаги ижобий натижалар куйидагилардан иборат:

Биринчидан, дунё тажрибалари ва замонавий йўналишлар нуқтаи назаридан қараганда, мамлакатимизда хизматлар бозорининг шаклланиш босқичи амалга ошмоқда.

Иккинчидан, хизматлар ҳажмининг ўсиб бориш динамикаси кузатилмоқда.

Учинчидан, республика ҳудудларидаги хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг иқтисодиётга таъсири ўзаро фарқланишига қарамай, ҳудудий хизматлар ҳажмининг ЯИМдаги улуши бўйича катта ютуқларга эришилмоқда.

Тўртинчидан, хизмат бозоридаги хизмат турларига бўлган талабларнинг ўзгариши ва иқтисодиётга таъсир даражаси ижобий натижалар бермоқда.

Бешинчидан, хизмат турларига бўлган эҳтиёжлар кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва бир неча хизмат турларининг мужассамланган комплекс тартибда бўлишига қараб ўсмоқда.

Олтинчидан, соҳага хорижий инвестиция сармояларини жалб этиш, айниқса, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, молия ва банк хизматларида



ортиб бормокда. Ушбу масалада асосан телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва таъмирлашда, компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш технологияларида ижобий натижаларга эришилди. Энг катта ютуқларга симсиз телефон алоқалари орқали боғланиш, уяли телефон мижозларининг кўпайиши, Интернет хизматларининг кенгайиши, эфир - кабель телевидение кўрсатувларини жорий этиш каби хизматларнинг ривожланиши орқали эришилди.

Еттинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида янги инфратузилма яратилмокда. Савдо тизимида дўконлар, умумий овқатланиш шохобчалари, комплекс хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилди. Йўловчиларни ташиш транспортининг маршрут йўналишлари сони ўсиб бормокда. Автомат телефон станциялари сони ошиб бормокда. Банк мижозларига қулай шарт-шароит яратиш ҳамда молия хизматларига мижозлар ҳаракатини соддалаштириш мақсадида молия ва банк тизимини ривожлантириш ва инфратузилмаларини кенгайтиришга катта эътибор берилмокда. Меҳмонхоналар сони кўпайиб бормокда.

Саккизинчидан, соҳада инфратузилманинг яратилиши ҳамда унинг даромади ҳисобидан янги иш ўринлари ташкил этилмокда.

Юқоридаги натижаларини қиёсий таққослаш учун Қашқадарё вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашда ва аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг бугунги кундаги устунликлари, афзалликлари, заиф жиҳатлари, имкониятлари ҳамда унга нисбатан таҳдидларни SWOT-таҳлили ёрдамида амалга оширилди. Истиқболда республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, Қашқадарё вилоятида тегишли чора-тадбирларни, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг муҳим илмий ва амалий аҳамиятини эътиборга олиб, тадқиқотимизнинг SWOT-таҳлили натижалари таклиф қилинди (3.2-жадвал).

**Қашқадарё вилоятида аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат  
кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили<sup>45</sup>**

| КУЧЛИ ТОМОНЛАР                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              | ЗАИФ ТОМОНЛАР                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича Давлат ва ҳудудий дастурларнинг узок муддатга ишлаб чиқилганлиги ва амал қилиниши;</li> <li>• Хизмат кўрсатиш соҳасида қулай меъёрий-ҳукуқий заминнинг яратилганлиги;</li> <li>• Солиқ ва божхона имтиёзларининг мавжудлиги;</li> <li>• Тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш механизмининг такомиллашганлиги;</li> <li>• Давлат ва назорат идораларининг молиявий-хўжалик фаолиятга аралашувининг кескин камайтирилганлиги;</li> <li>• Тижорат банкларининг капиталлашув даражасининг ошганлиги;</li> <li>• “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Оилавий тадбиркорлик” тўғрисидаги қонунларнинг мавжудлиги</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кадрлар малакасининг талабга жавоб бермаслиги, уларнинг бозор сирларини, конъюктурасини яхши билмаслиги;</li> <li>• Хизмат кўрсатиш субъектларининг истикболли режаларининг асоссиз тузилганлиги;</li> <li>• Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги;</li> <li>• Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича етарли ахборотга эга эмаслиги;</li> <li>• Илмий-техника тараққиёти янгиликларидан ўз вақтида фойдаланмаслиги;</li> <li>• Хизмат кўрсатиш турлари бўйича меъёрий хужжатларнинг замон талабига жавоб бермаслиги;</li> <li>• Талаб ва таклиф, маркетинг, бозор конъюктурасини ўрганиш бўйича тадқиқотларининг ҳудудлар бўйича ўтказилмаганлиги кабилар.</li> </ul> |
| ИМКОНияТЛАР                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | ТАҲДИДЛАР                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• Тўловга қодир инвесторларнинг соҳага инвестиция қўйиш истагининг мавжудлиги;</li> <li>• Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларига ҳукумат томонидан устувор вазифалар белгиланиши;</li> <li>• Хизмат кўрсатиш корхоналарининг бозорга тез мослашувчанлиги;</li> <li>• Божхона назорати муддати уч йил билан чекланганлиги;</li> <li>• Вилоятда ахборот, консалтинг хизматларини кўрсатиш ва уни ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги;</li> <li>• Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва бозор конъюктурасини ўрганиш кўникмасининг мавжудлиги кабилар.</li> </ul>                                                                                                                                     | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Нарх-наволар ва фоиз ставкаларининг барқарор эмаслиги;</li> <li>• Хорижий рақобатчиларнинг хизматлар бозорида мавқеининг ўсиши;</li> <li>• Бошқа ҳудудлар билан хизмат бозорининг яхши йўлга қўйилмаганлиги;</li> <li>• Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларига ҳамиша етиб келиш имкониятининг йўқлиги;</li> <li>• Мавсумий ва демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиги;</li> </ul>                                                                                                                                                                                                                                                                    |

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

<sup>45</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

1. Пуллик хизматлар тизимининг келгусида жадал ривожланишини таъминлаш лозим. Пуллик хизматлар салмоғининг ошиши ҳисобидан истеъмол харажатларининг тузилиши ўзгаради. Соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат, уй-жой коммунал хўжалиги, алоқа соҳаларида хизматлар ва пуллик хизматлар кўрсатиш кенгаймоқда.

2. Хўжалик юритишнинг бозор тизими шаклланаётган шароитда савдонинг боғловчи бўғин сифатидаги роли ошиб боради. Ушбу соҳанинг ўсиши истикболли ҳисобланади ва етарлича имкониятларга эгадир.

3. Санатория-курорт муассасаларида, дам олиш уйлари ва базаларида, пансионатларда дам олувчи туристлар учун ҳар томонлама ривожланган дам олиш индустриясини яратиш, мавжуд меҳмонхоналар мажмуаларини қайта таъмирлаш, замонавий талабларга жавоб берувчи янги ва такомиллаштирилган дам олиш объектларини барпо этиш орқали санатория-курорт хизматлари ҳажмини ўстириш борасида истикболлар етарли.

4. Кўрсатилаётган хизматлар таркибида кескин ўзгаришлар амалга ошмоқда. Қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларга эҳтиёжнинг ортиши ва тадбиркорлик таваккалчилигининг камайиши билан ахборот ва маслаҳат хизматларининг салмоғи ошиб бормоқда.

5. Эҳтиёжларнинг кенгайиши ва янги турларининг пайдо бўлиши ҳамда ишчи кучининг ишлаб чиқариш соҳасидан озод бўлиши ушбу ишчи кучларининг хизмат кўрсатиш соҳасига оқиб келиши учун шароитлар яратади, бу ҳолат мамлакат иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи ошишига олиб келади.

6. Тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш учун зарур бўлган бозор муносабатлари шароитларига мувофиқ келувчи молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматларни жадал ривожлантириш зарур.

7. Хизматлар соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ушбу тизимни ривожлантириш ва янада такомиллаштиришни талаб қилади.

## **2. Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари**

Бугунги кунда хизмат соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли даромадларининг мазмуни ва таркиби бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин даромади асосан меҳнат даромадидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли, ҳар бир оила эндиликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари хисасини оширишга қўллаб-қувватлаш шарт – шароитлар яратилмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида<sup>46</sup> «хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайишини таъминлайди» – деб таъкидлайди.

Ушбу йиғилишда кичик бизнес субъектлари учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида, бу соҳадаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгилаб қўйилди:

1. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.

2. Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш. Қасдан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.

3. Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари

---

<sup>46</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005 .79-83 Б

орқали сотилаётган товарлар тури ва хажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар қўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай ўринишларга барҳам бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

4. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага молиявий қўмақ, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни тақозо этади. Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йули билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш, бу ишни Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан ҳам қўллаб – қувватланапти. Шу мақсадда вазирлик ва идораларга кичик бизнес учун қўшимча қафолат ва имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини таёрлаш вазифаси топширилади. Бунда қуйидаги масалалар кўзда тутилиши зарурлиги таъкидланган<sup>47</sup>:

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларда қасаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот

---

<sup>47</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005 .79-83 Б

бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан таёрланган махсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

Хизмат соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим тадбирлардан бири, уларга солиқ имтиёзларининг берилиши бўлди. Бунинг ифодаси 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди.

Бозор инфратузилмасини яратиш, тадбиркорларни ўқитиш, имтиёзлар бериш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг ҳукукий асосини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятига аралаштиришни чеклаш кабилар давлат томонидан хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича кўрилатган чораларнинг фақат бир қисмидир.

Республикада, хусусан, вилоятда тадбиркорликни ривожланиши учун қулай шароитларнинг яратилганлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1) Турли ривожланган бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда: Республика товар–хомашё биржаси, Агросаноатбиржа, Кўчмас мулк биржаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб–қувватлаш фонди, суғурта агентликлари, тадбиркорлик субъектларига консалтинг, аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатувчи «Консаудитинформ» агентлиги, муҳандислик ва лизинг фирмалари, кадрлар таёрлаш маркази, кичик улгуржи дўконлар тармоғи ва бошқалар.

2) Чет эл кредит йўналишлари очилди ва уларни ўзлаштириш йўлга қўйилди.

3) 2002 йилда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида» ги қонун яққа ва оилавий тадбиркорлик субъектларини банкдан ташқари кредитлаш фаолиятини кенгайтиришга имкон яратди.

4) Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва «Касаначилик

тўғрисида Низом»га кўра, касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

5) Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг соддалаштирилган механизмлари жорий этилди.

6) Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта ўқитиш, малака ошириш тизимининг ривожланишини таъминлайди.

7) Тадбиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишда ҳокимиятларда, ваколатли вазирлик ва ташкилотларда ўрнатилган “Ишонч телефонлари” ҳамда тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган вақтида берилувчи “текширишларни қайд этиш дафтари” ижобий роль ўйнайди.

Бу имкониятлар эса ҳар бир тадбиркор учун кенг шароитлар яратилганлигидан далолатдир. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш соҳасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарур. Тадбиркорликни юритишда тенг бўлган имкониятлар, тўсиқлар ҳалигача сақланиб турибди. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини сезиларли даражада қисқартиришни кўзда тутди.

Хизмат курсатиш ва сервис соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимларини таҳлил қилиш қуйидаги вазифаларни аниқлаш имконини беради:

- инфратузилма ривожланмаган қишлоқ жойларда аёлларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш бўйича ресурс имкониятларни аниқлаш;

- йирик саноат корхоналари томонидан уйда бажариладиган ишлар ва хизматларга буюртма бериш ҳисобига уй меҳнати ишчи ўринларини яратиш параметрларини аниқлаш.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, барқарор иқтисодий ўсишга эга бўлган кўплаб давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчиларнинг улуши 50 фоиздан кам эмас ва бу бозор инфратузилмаси тармоқларини рағбатлантириш ва қувватлаш, интенсив омиллар ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш орқали таъминланади.

Хизмат курсатиш соҳасининг янада ривожлантириш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– вилоятнинг олис туманларида, бориш қийин ва иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ пунктлари аҳолисига ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3 – 5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз – маблағлари билан хизмат курсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқдан имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда муҳимдир. Чунки, кўпчилик тадбиркорлар бозор қонуниятларига кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларини тўғридан тўғри молиялаштириш ва енгил шартлар билан кредит ва қайтимсиз грантлар бериш;

- иш билан бандликни таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар (касаначилик) буйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш вилоятда хизмат соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб – қувватлаш



механизмини янада такомиллаштириш имконини беради. Бу борада хорижий илғор тажрибага республиканинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳисобга олиниб ёндашилса мақсадга мувофиқдир.

### **3. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришнинг устувор йўналишлари**

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самараси аҳоли фаровонлигида, яъни турмуш даражаси ва сифатида намоён бўлади. Кишилар ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиши меъёри турмуш даражаси дейилади. Унинг муҳим жиҳати-ноз-неъматлар истеъмоли ҳисобланади. Истеъмол миқдори ва таркибининг ишлаб чиқариш ҳолатига қараб шаклланиши қонуний ҳодисадир. Мазкур тадқиқот турмуш фаровонлиги миллий даромадининг ҳажми ва унинг тақсимланишига боғлиқлиги ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг йўналишларини ёритиб беради.

Ривожланган бозор иқтисодиётига хос қоидалардан бири-миллий даромадда истеъмол ҳиссасининг ортиб боришидир, яъни миллий даромаднинг тобора кўпроқ қисмининг фаровонликка қаратилишидир. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан-иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий даромаднинг камроқ қисмини жамғарган ҳолда (масалан, 15-20%) барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин, чунки инвестициялар илғор техника ва технологияда моддийлашиб, меҳнат унумини ошириб боради, бинобарин жамғариш самарадорлигининг ортиши истеъмолини кенгайтиришга хизмат қилади.

Иккинчидан-иқтисодий ўсишда инсон омилининг аҳамияти беқиёс ортади, бу истеъмолни кенгайтириш орқали ишчи кучи малакасини оширишга олиб келади, чунки юксак технология сифатли ишчи кучини талаб этади.

Учинчидан-энг муҳими, бозор иқтисодиёти ривожланган шароитда аҳолининг талаб эҳтиёжини қондириб, унинг фаровонлигини оширишдан

иборат инсонпарварлик тамойили кучайиб боради, бу эса истеъмолни кенгайтиришни тақозо этади.

Турмуш даражасининг икки кўрсаткичи мавжуд:


1. Қиймат пул кўрсаткичлари-иш ҳақи, фойда, фоиз, рента, дивидендлар.

2. Моддий-натурал кўрсаткичлар-озик-овқат, уй-жой ва ҳоказо.

Аҳоли турмуш даражаси пул даромадига эмас, балки реал даромадга боғлиқ бўлади. Аҳоли турмуш даражасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Аҳоли эҳтиёжларининг ривожланиш даражаси.

2. Эҳтиёжларни кондиритиш учун ишлатиладиган ҳаётий неъмат ва хизматларнинг миқдори ва сифати (3.2 – расм.)



**3.2- расм. Аҳоли турмуш даражасини аниқловчи омиллар<sup>48</sup>**

Аҳоли турмуш даражасининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари тизими қуйидагилардан иборат:

<sup>48</sup> Муаллиф ишланмаси

1. Истеъмол қилинаётган моддий неъмат ва хизматлар ҳажми.
2. Аҳолининг реал даромадлари.
3. Истеъмол қилинаётган товар ва хизматларнинг ЯИМдаги улуши.
4. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларнинг истеъмол даражаси.
5. Ўртача иш ҳақи миқдори.
6. Ижтимоий истеъмол ва социал фондлар миқдори.
7. Меҳнат шароити.
8. Иш вақти ва бўш вақтнинг узунлиги.
9. Уй-жой билан таъминланиш даражаси
10. Таълим ва соғлиқни сақлаш аҳволи
11. Аҳолининг машҳурлиги

Турмуш даражасининг табақаланиши дифференциация дейилади. Даромаднинг турлича бўлиши натижасида бир оила ҳисобига ва жон бошига тўғри келадиган истеъмол фарқланади. Ривожланган иқтисодиёт шароитларида тафвутлар оммабоп товар истеъмоли жиҳатидан эмас, балки замонавий янги обрўталаб товарлар истеъмоли жиҳатидан пайдо бўлади. Истеъмол тузилишига қарабу ёки бу мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигига баҳо берилади.

Турмуш даражаси ошган сари, аҳоли пул харажатларининг тобора кўпроқ қисми ноозиқ-овқат товарларини харид этиб, истеъмол қилишга сарфланади, шунга кўра, унинг тобора кам қисми озиқ-овқатга кетади. Бу қонунда ифодаланган силжишлар аҳолининг айрим тоифалари, ҳудудлар ва мамлакатлар доирасидаги пул харажатларига хос бўлади.

Аҳолининг пул даромадлари кундалик тирикчилик харажатларидан ортиб қолиб жамғарма ҳосил бўлиши, унинг капитал сифатида ишлатилиши ҳам турмуш даражасини кўрсатади. Турмуш даражаси юқори бўлган шароитда аҳоли қўлида даромад келтирувчи акция, облигация, заём ва ҳоказо каби қимматбаҳо қўғозлар кўпаяди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган омиллар заминида аҳоли даромадларининг турли мамлакатлардаги табақаланиши ва турмуш даражасининг фарқланиши келиб чиқади. Аҳоли ўз тасарруфидаги ресурсларни

мустақил идрок қилиш доирасининг кенгайиб бориши жамиятда янги иқтисодий вазиятни вужудга келтиради (3.2-жадвал)

### 3.2-жадвал

#### Қашқадарё вилоятида аҳоли ялпи харажатларининг таркиби, фоизда<sup>49</sup>

| Т/р | Кўрсаткичлар                                                                            | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил | 2013 йил |
|-----|-----------------------------------------------------------------------------------------|----------|----------|----------|----------|
| 1   | Жами харажатлар таркиби                                                                 | 100,0    | 100,0    | 100,0    | 100,0    |
|     | улардан:                                                                                |          |          |          |          |
| 1.1 | истеъмол харажатлари                                                                    | 78,4     | 78,1     | 78,0     | 77,9     |
| 1.2 | Истеъмолдан ташқари харажатлар (солиқлар, аъзолик бадаллари ва бошқа мажбурий тўловлар) | 6,2      | 6,0      | 5,9      | 5,8      |
| 1.3 | пул омонатлари ва жамғармалар                                                           | 15,4     | 15,9     | 16,1     | 16,3     |
| 2   | Жами истеъмол харажатлари                                                               | 100,0    | 100,0    | 100,0    | 100,0    |
|     | шу жумладан:                                                                            |          |          |          |          |
| 2.1 | Озиқ-овқат маҳсулотлари учун                                                            | 49,8     | 49,5     | 49,3     | 49,2     |
| 2.2 | Нооziқ-овақт маҳсулотлари учун                                                          | 33,7     | 33,8     | 33,8     | 33,8     |
| 2.3 | Хизматлар учун тўловлар                                                                 | 16,5     | 16,7     | 16,9     | 17,0     |

<sup>49</sup> Манба: Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Жадвалдан кўриниб турганидек, 2010 – 2013 йиллар давомида жами харажатлар таркибида истеъмол харажатларининг улуши 78,4 фоиздан 77,9 фоизга, истеъмолдан ташқари харажатлар улуши 6,2 фоиздан 5,8 фоизга қисқарган, аксинча, пул омонатлари ва жамғармалар улуши 15,4 фоиздан 16,3 фоизга ортган. Шу билан бирга, оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам оптималлашиб бормоқда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.

Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига қараганда, 1991-2011 йилларда нон ва нон маҳсулотларининг истеъмоли камайган, аксинча, қолган озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли ортган.

Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг катта қисми илгари республикамізда ишлаб чиқарилмасдан, четдан келтирилар эди.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш-тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Уларнинг улуши ҳозирги пайтда 8,5 фоизни ташкил этмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.

Аҳоли тумуш даражасини аниқлашда ҳар бир мамлакатда инсоннинг камолот индексидан фойдаланилади. Унда қуйидагилар инобатга олинади:

1. Кишилар жон бошига тўғри келадиган ЯИМ улуши.
2. Мамлакатдаги ўртача яшаш ёши узунлиги.
3. Мамлакат аҳолисининг таълим даражаси ва малака, касб-корлик даражаси.
4. Аҳолининг турмуш сифати.

Истеъмол бюджети-бир кишининг номал шароитини таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматлар йиғиндисининг бозор баҳосидаги кўринишидан иборат. Истеъмол бюджети 3 турга бўлинади:

1. **Минимал бюджети**- бу инсонга энг зарур, кундалик эҳтиёжлари учун керак бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлар йиғиндисининг пул кўринишидан иборатдир.

2. **Реал ҳақиқий истеъмол бюджети**-шу кунда шаклланган истеъмол буюмлари ва хизматлар йиғиндисининг пул кўринишидан иборатдир.

3. **Илмий асосланган истеъмол бюджети** - иқтисодчилар, тиббиётчилар, социолог мутахассислар томонидан инсоннинг нормал турмуш даражасини таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлар йиғиндисининг пул кўринишидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фн соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар турмуш сифатининг юксалиб боришини таъминлади.

Мамлакаимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ошишига олиб келди. Халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2011 йилда 1991 йилга нисбатан АҚШ доллари қийматида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминланади.

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламлари ўртача даромадларининг ўсиб боришини таъминлади. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффиценти 1991-2011 йилларда 0,40 дан 0,29 га пасайди,

бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келади.

Аҳоли турмуш даражасининг ўсиши хизмат кўрсатиш ва хизмат турларига нисбатан ошиб бораётган талабнинг таъминланиши билан боғлиқдир.

Республикамизда ялпи даромадлар таркибида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари кўпайиб бормоқда.

Республикамиз Президенти томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг олиб борилиши мамлакатда ўрта сифни шакллантириш имконини бери.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш учун Ўзбекитонда ва, шу жумладан, Қашқадарё вилоятида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ улушини янада кўпайтириш
2. Аҳоли реал даромадлари ва бандлик даражасини ошириб бориш
3. Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражасини янада ошириб бориш
4. Маориф ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш
5. Меҳнат шароитлари янада яхшиланишига эришиш
6. Маънавий муҳитнинг ривожланишини ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш
7. Овқатланиш сифати ва маданиятини янада ошириш
8. Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини янада яхшилаш
9. Аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш
10. Оналар соғлиғини янада яхшилаш
11. Экологик барқарорликни таъминлаш

12. Ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорликни кучайтириш ва хоказо.

### **III боб бўйича хулоса**

Ушбу бобни тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулосага келинди:

1. Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимида ўтиш борасида қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди;

2. Бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш – тўла ва самарали иш билан таъминлашга қўмаклашувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг бир тури сифатида қаралади;

3. Қашқадарё вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашда ва аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг бугунги кундаги устунликлари, афзалликлари, заиф жиҳатлари, имкониятлари ҳамда унга нисбатан таҳдидларни SWOT-таҳлили асосида аниқлаб чиқилди;

4. Аҳоли бандлигини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳасни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

5. Қашқадарё вилоятида аҳоли ялпи харажатларининг таркиби таҳлил қилиниб, кейинги йилларда оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам оптималлашиб бораётганлиги аниқланди, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.

6. Қашқадарё вилоятида аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат курсатиш соҳасининг янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.



## Хулоса

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди.

2. Бизнинг фикримизча, турмуш даражаси – бу моддий фаровонлик даражасини, яъни одамларнинг моддий эҳтиёжи қондирилганлигининг даражасини ифода этади. Унинг мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичини аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткич ифода қилади. Турмуш сифати эса “номоддий” ёки пулда ифодаланмайдиган ҳамда фақат пул билан белгиланмайдиган хусусиятлар: одамларнинг саломатлиги ва умр кўриш давомийлиги, дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш, маданий ривожланиш, ўзлигини намоён қилиш, билимлар ва маънавий бойликнинг бошқа неъматларидан фойдаланиш имкониятларини қамраб олади.

3. Аҳолининг қуйидаги тўртта турмуш даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

— тўқ турмуш даражаси – инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-қувватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминлайдиган неъматлардан фойдаланиш;

— нормал даража – инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-қувватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминлайдиган илмий асосланган меъёрлар бўйича оқилона истеъмол қилиш;

— камбағаллик – меҳнат учун ресурсларни қайта яратишнинг қуйи чегараси сифатидаги иш қобилиятини сақлаш даражасида неъматларни истеъмол қилиш;

— қашшоқлик — истеъмол қилиниши инсоннинг яшаш қобилитини сақлаш имкониятинигина берадиган неъматлар ва хизматларнинг биологик мезонлар бўйича йўл қўйиладиган минимал турларини истеъмол қилиш.

4. Аҳоли турмуш даражасини оширишга оид муаммоларни ечишда инсоният тараққиёти ҳозирги босқичнинг учта муҳим хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Биринчидан, глобаллашув жараёнларининг жадаллашиб бораётганлиги. Миллий иқтисодиёт интеграциясининг тобора кўчайиши, жаҳон миқёсида товарлар, хизматлар ҳамда меҳнат бозорларининг ташкил топиши ҳар бир мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ва сифатини шакллантиришда катта таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги. Бунинг натижасида иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда миллий ва ҳалқаро экологик хавфсизликни таъминлаш, ҳозирги ва келажак авлодларни манфаатлар тенглигини таъминлайдиган барқарор ривожланиш концепциясига риоя қилиш зарурати кучаймоқда.

Учинчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделининг шаклланиб бораётганлиги, тақсимотда социал адолат тамойилларининг кўчайиб бораётганлиги, айнан оқилона ижтимоий сиёсат иқтисодий ривожланишнинг бош омилга айланаётганлиги. Бу давлатнинг аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва ижтимоий заиф гуруҳларини (ёшлар, аёллар, ногиронлар) қўллаб-қувватлаш ва бозор стихиясидан ижтимоий ҳимоялашни тақозо этади.

5. Бизнинг фикримизча, хорижий адабиётларни ўрганиш ва сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви) нуқтаи назаридан кўрасаткичларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

– Сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви бўйича самарадорлик)ни ўсиш даражасининг турличалиги хизматлар кўрсатиш

жараёнида ИТТни таъсирини ҳар-хиллиги, истеъмолларни хизматлар истеъмолига жалб қилиниш даражаси билан асосланади.

– В.Баумоль томонидан унумдорликни ўсиш даражасига боғлиқ хизматларни уч категорияга: ҳаракатсиз (инерт) индивидуал хизматларга, ўзига хос хусусиятига эга прогрессив хизмат кўрсатишга, асимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатишга ажратилган.

– В.Баумоль хизматлар категориясини хизматларларнинг шундай хоссалари, яъни хизматларни автоматлаштириш даражаси, хизмат кўрсатиш жараёнига истеъмолчиларни жалб қилиш ва хизмат жараёнига техник - муҳандислик ва ИТТнинг таъсири билан тавсифлаш мумкин.

– Сервис фаолиятида самарадорлик (унумдорлик) кўрсаткичлари статистикасини ўрганиш орқали шундай хулоса қилиш мумкин: бир неча категориядаги хизматларни самарадорлигини баҳолашда ресурс-сарф ёндашуви самарадорлик ҳақида бир мунча тор тасаввурни беради, чунки у фақат иқтисодий томонини ёритади. Бу ҳол баъзи хизмат категорияларида унумдорлик кўрсаткичларини аҳамияти пасайишини асослайди.

Диссертация ишида вилоятда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Хизмат соҳаси келажакда иқтисодиётнинг муҳим соҳасига айланади. Шу муносабат билан, шаҳар ва қишлоқларда қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ этилишини мақсадга мувофиқ.

– Қашқадарё вилоятида анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашни рағбатлантириш;

– хизматлар соҳасида миллий хунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни имтиёзли кредит билан таъминлашни йўлга қўйиш зарур.

2. Хизмат курсатиш ва сервис соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимларини таҳлил қилиш қуйидаги вазифаларни аниқлаш имконини беради:

– инфратузилма ривожланмаган қишлоқ жойларда аёлларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш бўйича ресурс имкониятларни аниқлаш;

– йирик саноат корхоналари томонидан уйда бажариладиган ишлар ва хизматларга буюртма бериш ҳисобига уй меҳнати ишчи ўринларини яратиш параметрларини аниқлаш.

3. Хизмат курсатиш соҳасининг янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– вилоятнинг олис туманларида, бориш қийин ва иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ пунктлари аҳолисига ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3 – 5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз – маблағлари билан хизмат курсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқдан имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда муҳимдир. Чунки, кўпчилик тадбиркорлар бозор қонуниятларига кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларини тўғридан тўғри молиялаштириш ва енгил шартлар билан кредит ва қайтимсиз грантлар бериш;

- иш билан бандликни таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар (касаначилик) бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон» 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи”, 2-март, 1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й.
4. “Фуқароларни соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Халқ сўзи”, 18-ноябрь, 1996 й.
5. “Пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Халқ сўзи”, 14-сентябрь, 1993 й.
6. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Халқ сўзи”, 7-ноябрь, 2008 й.
7. “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъкидлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги Конвенция (Женева, 1994 й 14-июль)
8. “Ратификация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 8-апрель, 2008 й.
9. “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 11-июль, 2008 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2012.- 40 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонунига шарҳлар. -Тошкент.: “Шарқ”, 2000. – 384 б.

### **II.Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

12. “Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2008 йил,27 февраль.

13. “Иш ҳаққи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2009йил, 22 октябрь.

14. “Баркамол авлод йили Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2009 йил 10 декабр.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтириш борасидаги чора тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи», 2007 й, 18 сентябрь.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи», 2007 й, 20 март.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори. — «Халқ сўзи», 2006й., 15 февраль.

18. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Халқ сўзи, 2005 йил, 16 июнь.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Тошкент оқшоми, 2005 йил, 14 февраль.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредит беришни қўллаб - қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. — «Халқ сўзи», 2005й., 6 май.

21. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Халқ сўзи, 2003 йил, 21июнь.

22. “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010 йил 9 март.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. –Тошкент: 2007. 19 март, ПФ-3864-сон.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини иш билан бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарори. –Тошкент: 2007. 6 апрель, ПК-616- сон.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги 616-сонли “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. – Тошкент: 2007 йил 6 апрель.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сон Фармони. Тошкент: 2008 йил 2 декабрь.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. –Тошкент: 2007. 15 май, 97- сон.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. –Тошкент: 2007. 24 май, 106- сон.

29. Худудий соғломликни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 й. 18-март.

30. “Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 й. 4-апрель.

31. “Ота-онасининг қаровсиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун шаҳарчалари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2008 й. 22-май.

32. “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2008 й. 20-август.

33. “Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2008 й. 17-октябрь.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

34. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. //“Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.

35. И.А.Каримов “Асосий вазифамиз- Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”: Т.: «Ўзбекистон». 2010йил

36. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: “Ўзбекистон” 2009 йил.

37. И.А.Каримов. «Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сўзи, 2009 йил 14 феврал.

38. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.



39. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилдик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» Халқ сўзи 2005 йил, 29 январь.

40. Каримов И.А. Биз танлаган демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Халқ сўзи. 2003 й., 25 апрел. № 88

41. Каримов А.И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 январь.

#### **IV. Дарсликлар**

42. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X., Qurbaniyozov I.R. Aholini ijtimoiy muhofaza qilish. O'quv qo'llanma. - T.: TDIU, 2010. – 268 bet.

43. Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатова М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2007. – 218 б.

44. Восколович.Н.А. Экономика платных услуг: уче.пособ.-М.: «Экономика», 2007,-366 с.

45. Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / / Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. – С.37-38.

46. Саркисов С.Э. Менеджмент: словарь справочник. – М.: АНК ИЛ, 2005. – С. 551

47. Барановский М.И. Основы политической экономики 5-е изд. / П.: Издания Юридического склада «Право» 1917. – С. 39-40.

48. Ассель Г. Маркетинг: принципы и стратегия. М.: ИНФРА–М, 1999. – 803 с.

49. Г.Эмирсон “Двенадцать принципов эффективности” – М.: Экономика, 1992. -С. 35-36

50. Шикова Е.Л. Экономика и менеджмент не коммерческих организаций: учебник СПб: Лань, 2004. – С. 134 – 146.

51. Винокуров Р.А. Экономика труда. – СПб.: Питер, 2004. – С. 64-65.

52. Abdurahmonov Q.X. “Inson taraqqiyoti” (Darslik) T.: -“Fan va texnologiya” 2013, - 418 b.

## **V .Қўшимча адабиётлар**

53. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қонунчилик палатаси ва сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятни барпо этиш-устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил, 29 январда бўлиб ўтган “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув –услубий мажмуа. Т.: Иқтисодиёт, 2010йил. – 789 б.

54. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

55. Беркинов Б.Б, Каланов Б.З, Каланова М.З, Махмудов М.Ф Экономика социальной сферы : Т: ТДИУ 2010й

56. Каланов Б.З., Каланова М.З., Мухамеджонова Г.Я “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” ўқув курси бўйича ўқув услубий мажмуа. Услубий қўлланма. “Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси” тўплами. Т.ТДИУ 2008. 160 б.

57. Каланова М.З. “Местный рынок труда: изучение, оценка, предложения по улучшению использования трудового потенциала” мавзуси бўйича ишлаб чиқилган кейс – технология. Услубий қўлланма. Т.ТДИУ 2008й. 24 б.

58. Қудратов Ғ.Ҳ., ПардаевМ.Қ., Абдукаримов Б.А. “Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”.Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2007. – 12 б.

59. Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари// Иқтисод фанлари номзоди олиш учун дисс. автореферати. – Т. 2008 – 11 б.

60. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008. – 114 б.

61. Развитие страны и повышение благосостояния народа в условиях модернизации экономики. Монография. –Т.: Филиал ГОУ ВПО «РЭА имени Г.В.Плеханова» в г.Ташкенте, 2010. – 102 б.

62. Abdurahmonov Q.X., N.Q.Zokirova. Mehnat iqtisodiyoti va sosiologiyasi. O`quv qo`llanma. T.: -“Fan va texnologiya”, 2013 – 418 b.

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўплamlар ва ҳисоботлар**

63. Ҳамраева С.Н., Асланова Р.И. Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий асослари// Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари, 147-150 бетлар. - Самарқанд -2013 йил

64. Асланова Р.И. Ёшларни иш билан таъминлаш – аҳоли турмуш даражасини оширишнинг барқарор омилidir // Ўзбекистонда инсон тараққиётининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами, 333-334бетлар. - Тошкент – 2013 йил

65. Ҳамраева С.Н., Асланова Р.И. Мамлакатни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини башорат қилиш// Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конферецияси материаллари, 84-87 бетлар. - Самарқанд - 2014

66. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2013.–Т.: Госкомстат Узбекистана. 2014.
67. Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. –Т.: Госкомстат Узбекистана. 2013.
68. Статистическое обозрение Узбекистана.–Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009- 2013.
69. Ўзбекистон Республикасининг 2009-2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари. – Т.: Статистика давлат қўмитаси, 2013.
70. Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот ва таҳлилий шарҳ. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
71. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. – Т.: Узбекистан, 2011
72. Қашқадарё вилоятининг ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари, 2010-2013 йиллар
73. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари, 2010-2013 йиллар
74. Maha devan R.New Curents in Productivity Analysis. Whee To Now? – APO. 2002. P-40
75. Statistical Abstract of the united states. 1980, p 441; 1983, p 394; 1986, p 410, 433; 1987. p 4224 1992 p403; 1994 p 447; 1995 p 424, 452. Цитируется по: Иноземсов В.Пародексы постциду с триальной эканомики // МЭ и МО. 2005 №3 С. 3-4
76. Wall street Jaurnal (November 7.2005)

## **VII. Интернет сайтлари**

77. <http://www.gov.uz>–Ўзбекистон Республикасининг давлат портали.
- 78.<http://www.mehnat.uz>–Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.

79.<http://www.mineconomu.uz>–Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг сайти.

80.<http://www.agro.uz>–Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг расмий сайти.

81.<http://www.lex.uz>–Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ҳужжатлари сайти.

82.<http://www.stat.uz>–Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат кўмитасининг сайти.

83.[http:// www.ilo.org](http://www.ilo.org) –Халқаро меҳнат ташкилотининг сайти.

84.<http://www.undp.uz>–Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг (ПРООН) Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси сайти.

85.<http://www.qashqadaryo.uz>–Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг расмий сайти.

86.<http://www.qashqadaryogz.uz>–Қашқадарё газетасининг расмий сайти.